Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

# Посида

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри

№ 22 (3446) 2002 йил 30 май, пайшанба Сотувда эркин нархда

Халқаро алоқалар

## ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ

**Республика Ички ишлар вазирлигига Франциянинг Ўзбекистондаги элчисининг биринчи маслаҳатчиси Э. Новак ва элчихона ҳузуридаги полиция атташеси дивизион комиссари Ж. Галидан иборат делегация ташриф буюрди.**

Меҳмонларни республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов қабул қилди ва суҳбатлашди. Б. Матлюбов суҳбат чоғида жумладан, кейинги йилларда Ўзбекистон ва кўплаб хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Масалан, АҚШ, Германия полицияси тизимлари билан ўзаро манфаатли алоқалар самарали йўлга қўйилгани бўлинмаларни техник жиҳозлашни такомиллаштириш, ходимлар касб маҳорати ошиб боришида катта аҳамият касб этяпти.

Ўз навбатида меҳмонлар икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ривожланишига қаратилган таклифларни ўртага ташлаб, улар келгусида яхши самара беришига умид билдирдилар.

Республика ИИВ қатор бошқармалари раҳбарлари иштирок этган учрашув чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!”

**Ислом КАРИМОВ.**

## МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА ТАНТАНА

**Фарғона шаҳридаги 1-меҳрибонлик уйида муассасанинг етмиш йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Меҳрибонлик уйи ходимлари ва тарбияланувчиларини табриклаш учун уни оталиққа олган Фарғона вилояти ИИБ ходимлари ва “Саховат” жамғармаси вакиллари ташриф буюрдилар.

Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги А. Тошхўжаев сўзга чиқиб, меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар ва мураббийларни бу шодиёна билан табриклади. Тарбияланувчиларга тўртта гилам ва кондитер маҳсулотлари топширилди. Вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари чўмилиш ҳавзасини таъмирлаб бердилар. Тадбир сўнггида меҳрибонлик уйи директори Р. Давидова сўзга чиқиб, тарбияланувчилар ва жамоа номидан саховатпешаларга самимий миннатдорчилик билдирди.

**М. КИМСАНБОЕВ.**

UCHINCHI OLAM + TV

«Посида» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

## КУН ТАРТИБИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

**Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармасида бўлиб ўтган йиғилиш Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва шу асосда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар талабларининг ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан қандай бажарилаётгани, 2002 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш даврида ички ишлар идоралари, хусусан ёнғин хавфсизлиги ходимларининг олдида турган вазифаларга бағишланди.**

Йиғилишни Республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Кўрилган масалалар юзасидан Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармасининг бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Қўлдошев, Республика ИИВ ЁХББ бошлиғи ўринбосари, ички хизмат полковниги Н. Шодмонхожиевлар сўзга чиқиб, амалга ошириладиган ишлар ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида батафсил тўхталдилар.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар, Транспортдаги ИИБ ва Навоий тоғ-металлургия комбинати Ёнғин хавфсизлиги бошқармаларининг бошлиқлари, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Адлия вазирлиги, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши масъул ходимлари иштирок этдилар.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Д. ҚАМБАРОВ,**
*ички хизмат катта лейтенанти.*

**Республика Ички ишлар вазирлигида Ички қўшинлар ва Қоровул қўшинлари бўлинмаларида 2001 йил ҳамда 2002 йилнинг тўрт ойи бўйича ўтказилган тафтиш ва текширув якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров олиб борди.**

Республика ИИВ Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ички хизмат подполковниги Н. Мадалиев бўлинмаларда ўтказилган тафтиш ва текширув натижалари бўйича батафсил ахборот берди. Нотиқ жойларда қатор камчиликларга йўл қўйилгани, хусусан, моддий бойликларнинг сақланиши, пул маблағларини тарқатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотидаги айрим хатоликларга алоҳида тўхталди. Шунингдек, камчиликларга йўл қўйган мутасадди раҳбарлар, масъул ходимлар ва жавобгар шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилгани ҳам айтиб ўтилди.

Йиғилишда ИИВ Ички қўшинлар Бош бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Ж. Фозилов, ИИВ Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Ў. Аҳмедов, ИИВ Моддий-техник таъминот бошқармаси бошлиғи, полковник Ҳ. Ибрагимов, ИИВ Алоқа бўлимининг бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Яковенко ва бошқалар сўзга чиқиб йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларига тўхталишди.

**Ўз мухбиримиз.**

Ҳуқуқий билимимизни оширамиз

# “ПЕНСИЯГА ЧИҚМОҚЧИ ЭДИМ...”

**Фуқароларимиз таҳририятга хат йўллаб пенсияга чиқиш, пенсия тайинлаш шартлари ва миқдори, уни тўлаш муддатлари ва шунга ўхшаш масалалар юзасидан тушунча беришимизни илтимос қилишаяпти. Буни эътиборга олиб республика ИИВ Молия-иқтисод бошқармаси пенсия таъминоти бўлимининг бошлиғи, ички хизмат подполковниги М. Мирюнусовдан муштарийларимизни қизиқтирган саволларга жавоб беришни илтимос қилдик.**

**Х. Тўхлиев (Ҳамза тумани ИИБ қўриқлаш бўлими милиционери, милиция сержанти): Милиция соҳасида ишлаётган яқин танишим пенсияга чиқмоқчи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги Фармони бўйича пенсия таъминотида ҳам муайян ўзгаришлар қилиндими?**

**ЖАВОБ:** — Ушбу Фармонга кўра пенсияга ижтимоий таъминот бўлимлари орқали чиқаётган фуқаролар иш стажининг тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган миқдоридан ортиқ қисмини ҳисоблаб чиқишдаги мавжуд чеклашлар 2002 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинди. Ички ишлар идораларида эса пенсия аввалгидек хизмат йиллари инобатга олинган ҳолда тайинланади. Яъни, амалдаги “Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида” Қонунига асосан зобитлар таркибидаги шахсларга, прапорщикларга, мичман ва муддатидан ташқари ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга, ички ишлар идоралари раҳбар ва оддий ходимлари таркибидаги шахсларга, хизмат йиллари 20 йил ва ундан ортиқ муддатни ташкил этса:

— 20 йиллик хизмати учун пул таъминотининг белгиланган қиймати миқдоридан — 40 фоиз;

— ёшига кўра истеъфога бўшатилганлар учун — 45 фоиз, 20 йилдан юқори бўлган ҳар бир йил хизмати учун кўрсатилган пул таъминотининг белгиланган қиймати миқдоридан — 3 фоиз миқдорида, лекин умумий қиймати 75 фоиздан ошмаган ҳолда белгиланади.

**К. Жакибаев (Қўнғирот шаҳри Мукашев кўчасида яшайди): Ички ишлар идораларида 27 йил ишлаб пенсияга чиқдим. Аммо белгиланган пул миқдори назаримда камроқ. Мени бир савол қизиқтиради. Пенсия тайинланаётганда ўртача даромад миқдори қай тарзда аниқланади?**

**ЖАВОБ:** — Амалдаги пенсия таъминоти қонунларига кўра ички ишлар идораларининг оддий ва раҳбар ходимлар таркибидаги шахсларга пенсия ҳисоблашда лавозими ва унвони маоши, хизмат йиллари учун тўланаётган устама ҳақ, озиқ-овқат пули эътиборга олинган ҳолда тайинланади. Пенсия миқдори, энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 карра кўпайтирилган миқдоридан ошмайдиган қисмларда, пенсия тайинлашда пул миқдорининг ҳаммаси, ошган қисми эса 50 фоиз миқдорида ҳисобланади. Шаҳодатланмаган ходимларга эса амалдаги даромаднинг ўртача миқдорини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 31-моддасига биноан фуқаро хоҳлаган беш йил узлуксиз ишлаган даври танланиши мумкин.

**А.Сиддиқов (Тошкент тумани Келес шаҳрида яшайди): Пенсионерман. Ўзим ишлаган ички ишлар идорасига мурожаат қилиб, моддий ёрдам олсам бўладими?**

**ЖАВОБ:** — Бунинг иложи йўқ. Чунки 2000 йил январь ойидан бошлаб Республика Молия вазирлигидан моддий ёрдам учун пул маблағлари ажратилмаётганлиги сабабли моддий ёрдам бериш имкониятига эга эмасмиз.

**А. Солиева (Тошкент вилояти Тўйтепа шаҳрида яшовчи уй бекаси): Умр йўлдошим ички ишлар идорасида хизмат бурчини ўтаётганда вафот этган. Қарамоғимда ўн икки ёшли болам бор. Менга пенсия бериладими?**

**ЖАВОБ:** — Амалдаги тартибга кўра вафот этган ички ишлар идоралари оддий ва бошлиқлар таркибидаги шахсларнинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик ҳолати бўйича пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Д. Тўлабоев (милиция подполковниги): Айрим сабаблар билан пенсияни расмийлаштириш кечикса ўтган вақт учун пенсия тўланадими ёки йўқми?**

**ЖАВОБ:** — Фуқаро пенсия ёшига етган ва ўз айби билан вақтида расмийлаштирмаган бўлса 1 йил вақт учун пенсия тўланади.

**Д. Ражабов (Сирдарё вилояти Оқ олтин туманидан): Кўп йиллар милиция соҳасида ишлаб, истеъфога чиққанман. Ҳозир ёшим 85да. Хонадонда қарайдиган одамим йўқ. Менга ўхшаш қийналаётган кексаларга маълум имтиёз бор, деб эшитиб қолдим. Шу тўғрими?**

**ЖАВОБ:** — Ички ишлар идораларининг маълум тоифадаги бошлиқ ва оддий ходимлар таркибидаги шахсларга хизмат йиллари бўйича тайинланган пенсияларга устама ҳақлар тўланади. Масалан, 1-гуруҳ ногирони бўлган фуқаролар ҳамда 80 ёшга кирган ёлғиз пенсионерларга — уларга қараш учун энг кам пенсиянинг 50 фоизи миқдорида хизмат йили бўйича қўшимча пул берилади.

**С. ШОДИЕВ**
*ёзиб олди.*

**Таҳририятдан:** пенсия таъминоти билан боғлиқ масалалар кўлами кенг ва уларни биргина мулоқотда қамраб олиш имконияти йўқ. Бизга мурожаат қилинг. Газетамизнинг келгуси сонларида сизларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтаришга ҳаракат қиламиз.

# АХБОРОТ ТИЗИМИ ЯХШИЛАНАДИ

**Андижон вилоятида икки кун давом этган семинар-кенгашда турли хил автоматлаштирилган ахборот-излаш тизими, қидирув, маълумотнома ва статистик-таҳлилий аҳамиятга эга бўлган яхлитлаштирилган маълумотлар тўпламидан фойдаланиш муаммолари муҳокама қилинди.**

— Ушбу семинарни ўтказиш учун Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси бежиз танланмади, — деди республика ИИВ Ахборот маркази бошлиғи, ички хизмат полковниги Ш. Миртурсунов. — Кейинги пайтда бу ерда янги компьютер дастурлари маъқулланган, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича муайян тажриба тўпланган.

Семинарга Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспортдаги ИИБлари ахборот марказлари раҳбарлари таклиф этилди. Иштирокчилар ички ишлар идораларидаги ўқуврўйхатга олиш ва ахборот ишларининг ҳолатини муҳокама қилишди. Бу борадаги мавжуд муаммолар муҳокамасида ички хизмат полковниги Ш. Миртурсунов, Тошкент шаҳар ИИББ ахборот маркази бошлиғи, милиция полковниги А. Девятов, республика ИИВ Ахборот маркази бўлим бошлиғи, ички хизмат подполковниги Л. Кувшинова ва бошқалар иштирок этишди.

Республика ИИВ Ахборот маркази бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат полковниги И. Мирзаев ва Марказнинг компьютер техникаларини созлаш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича бошлиғи А. Мараҳимовлар ўз сўзларида ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш, фойдаланилаётган техника самарадорлигига эришиш, ахборотларни ҳимоя қилишга қаратилган антивирусли ва бошқа дастурларни қўллаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишди.

Андижон вилояти ИИБ ахборот маркази бошлиғи, милиция подполковниги Т. Қосимов семинар иштирокчиларини ИИВ мутахассислари, ички хизмат подполковниги А. Аҳроров, милиция подполковниги Х. Жалолов ҳамда вилоят ИИБ ахборот маркази ходими, милиция катта лейтенанти Н. Камоловлар ҳамкорликда ишлаб чиққан замонавий ахборот технологиялари ва янги компьютер дастурларини жорий этиш бўйича тўпланган тажрибалар билан таништирди.

Семинар ишида вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги А. Умаралиев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Иштирокчилар вилоятдаги бир нечта ички ишлар идоралари ва “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасида бўлишди.

**Ўз мухбиримиз.**

Миннатдорчилик

# БЕҲАД МАМНУНМИЗ

*Яқинда ички ишлар идораларининг бир гуруҳ фахрийлари Б. Қаҳҳоров, Қ. Қурбонов, И. Қодиров, Қ. Қўлдошевлар билан бирга республика ИИВ касалхонасида соғлиғимизни тиклаб чиқдик.*

*Бу даволаш муассасасининг моҳир шифокорлари П. Пан, Э. Гизатулина, Г. Қосимова, Д. Ҳикматуллаева, бири-биридан чаққон, ширинсўз ҳамширалари В. Ким, В. Милковская ва бошқалар дардимизга малҳам бўлишди. Касалхона бошлиғи Ҳ. Усмонов ва бошқа ходимлар биздан тез-тез ҳол-аҳвол сўраб туришди.*

*Мен анчадан буён қанд касаллиги билан оғриман. Бу ерда олган муолажамдан сўнг ўзимни анча яхши ҳис қиляпман.*

*Касалхонада беморларга яратилган қулайликлар ҳам таҳсинга сазовор. Биз кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун республика ИИВ раҳбарияти, даволаш муассасаси жамоасидан миннатдормиз.*

**Бир гуруҳ фахрийлар номидан Т. УМУРОВ.**
*Сирдарё тумани.*

# УМРИДАН БАРАКА ТОПСИН!

*Андижон туманидаги Бўтақора қишлоғида яшайман. 16 май куни эрта тонгда хизмат юзасидан пойтахтга йўл олдим. Аммо Қамчиқ довонидан ўтаётганимда автомашинамнинг радиатори тешилиб қолди. Нима қилишимни билмай бошим қотиб турганда ЙПХ ходими келиб ёрдам қўлини чўзди. Барака топкур вазиятни кўриб радиаторни бўшатиб олди, қаердадир яматиб келиб жойлаштириб берди.*

*Ўзини Баҳодир Нишонов деб таништирган зобитга қайта-қайта миннатдорчилик билдириб йўлга тушдим. Юртимизда ана шундай фидойи, ҳиммати посбонлар борлигидан фахрланаман.*

**Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

# САМАРҚАНДГА САЁҲАТ

**Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ҳамда Фахрийлар кенгаши ташаббуси билан бир гуруҳ фахрийларнинг Самарқандга саёҳати уюштирилди.**

Меҳмонларни Самарқанд вилоят ИИБ бошлиғи, милиция генерал-майори Сайфулло Асатов кутиб олди. Сўнгра саёҳатчилар қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрининг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишди.

Фахрийлар бу ерларда ором топган барча улуғ аждодларимиз хотирасига дуои-фотиҳа қилдилар. Буюк бобомиз, ўз даврининг улуғ алломаи замони ва маърифатпарвар султони Мирзо Улуғбек расадхонаси зиёратчиларда алоҳида таассурот қолдирди.

Самарқанд кўчаларини ҳайрат билан кезаётган ҳар бир меҳмон қулоғи остида соҳибқирон бобомизнинг “Агар қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурган иморатларга боқ” деган фахриялари жарангдор ва ўктам овозда янграгандек бўлади.

Зиёрат сўнгида кексалар тўкин дастурхон атрофида, мумтоз куй-қўшиқ садоси остида ҳордиқ чиқаришди.

**А. ТУРДИЕВ.**

# 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

# БОЛАЛАРНИ СЕВАЙЛИК

Тошкент – Янгийўл автобусида ўтирганимизда 5-6 яшар қизалоқни етаклаган милиция капитани салонга кўтарилди. Кўриниши ночор қизалоқнинг бир қўлида шоколад, бошқасида кийим-кечаги солинган елим халта бор эди. Ҳамроҳим секин елкамга туртиб шивирлади:

– Ҳойнаҳой, ановилар ҳам ўша ёққа боришаётган бўлишса керак.

Милиция капитани қизалоқни икки кишилик ўриндиққа ўтқизди, унинг кўзлари юмилиб кетаётганини кўриб, елим халтани боши тагига қўйиб, уни ётқизди-да:

– Мен ҳозир келаман. Хўпми? – деб папкасини қўлтиқлаганча пастга тушди. Чўнтагидан сигарет олиб тутатди. Ёнига бориб ўзимни таништирдим. Янглишмаган эканмиз.

– Бўка тумани ИИБда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмасининг бошлиғиман. Исми-шарифим Жумабек Исабоев. Қизчани Янгийўлдаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига олиб кетяпман, – деди у.

Қизалоқни автостанцияда учратишибди.

– Тожикистонлик экан, – деб сўзини давом эттирди Жумабек,– На ўзининг, на ота-онасининг исмини билади. Аниқ яшаш манзилини-ку қўяверинг. Ўтган куни қозоғистонлик бир болани ҳам топширгандик. Отам билан келувдим, адашиб қолдим дейди. Кўпинча алдашади.

Автобус қўзғалди. Қизалоқ йўл бўйи ухлади. Йўлкира йиғиб юрган йигит икки кишилик ўриннни банд қилиб ётган қизчага аввал норози қиёфада қаради. Кейин унинг афт-ангорига қараб раҳми келди шекилли, индамади. Янгийўлга етиб келганимизда Жумабек қизалоқни уйғотди.

Манзилимизга етиб келгач, Янгийўлдаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғининг олдига кирдик. Ниятимизни айтдик.

– Бу муассасага бошлиқ этиб тайинланганимга энди ярим йил бўляпти, – деди милиция полковниги Ғани Пўлатов. – Келишим билан биринчи галда қурилиш-таъмирлаш ишларига киришдим. Ҳаммаёқда иш қизғинлигини ўзларингиз ҳам пайқаган бўлсангизлар керак.

– Ҳа, – унинг гапини тасдиқлади ҳамроҳим, – илгари ҳам бу ерга келгандим. Бу гал танимай қолдим. Тўғри, кўп ишлар ҳали чала, лекин ўзгаришлар катта. Бу бир қарашда ҳам билинади.

– Юринглар, яхшиси, ҳудудимизни айлантириб нималар қилаётганимизни кўрсатай деб бошлиқ бизни ташқарига бошлади.

Бу ерда ҳақиқатан катта ишлар қилинаётган экан: ошхоналар тўла таъмирдан чиққан. Душхоналарни таъмирлаш ишлари тугай деб қолибди. Спорт зали қайта жиҳозланяпти. Ҳовлининг катта қисмидаги асфальт кўчириб ташланяпти.

– Унинг бир қисмини боғ, қолганини спорт майдончаси қиламиз, – изоҳ берди Ғанижон ака. – Болаларга катта саф майдонидан кўра шулар зарурроқ-ку, тўғрими?

Тўғри бўлганда қандоқ. Турли сабабларга кўра уйидан безиб чиқиб кетиб, кўча-кўйларда дайдиб юрган болалар бу ерда ўн кунми, бир ойми турганларида ўзлари жудо бўлган шодликни, қулайликларни, ғамхўрликни топишлари керак.



Компьютер синфи, Маърифат хонаси учун ҳам жойлар мўлжалланибди. Бу хоналарда таъмирлаш ишлари қизғин кетяпти. Адлия вазирлиги вакиллари марказда бўлишганида компьютерлар билан таъминлашга ваъда беришибди. Қурилиш – таъмирлаш ишлари асосан Тошкент вилояти ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси кўмагида амалга оширилаётган экан.

– Бекобод шаҳар ҳокимлиги имкон қадар ёрдам беряпти, – деди Ғанижон ака. – Аммо вилоятдаги бошқа ҳокимликлар, ички ишлар бўлимлари кўмак беришаётгани йўқ. Ваҳоланки, марказ вилоят миқёсидаги ташкилот. Ишбилармонлару тадбиркорларга ҳам қойил қолмадим. Болаларга қайишишнинг савоби мачит қуришдан кам бўлмаса керак. Нима дедингиз? – Улардан қанчасининг олдига бордим. Хўп-хўп дейишдию лекин бирортаси битта чўп ҳам беришгани йўқ. Ҳамма таъмирлаш ишларини ўзимизнинг ходимлар қиляпмиз.

Шу куни марказда йигирма нафарча турли ёшдаги болалар қолишган экан. Улар асосан Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидан келтирилган. Бошқа вилоятлардан келиб қолганларни бир кун олдин жойлардаги марказларга жўнатилибди. Ораларида бўйи чўзилиб қолган қизлар ҳам бор. Аввал уларни суҳбатга тортдим.

– Отамни ёмон кўраман, – дейди тошкентлик 17 яшар қиз. – У мен ҳақимда ёмон хаёлларга боради. Кўчадан бери келмайсан, кечалари қаерларда санғиб юрасан дейди. Доим уришади, ҳақорат қилади.

Унинг сўзларини эшитиб турибману "ахир, ота-она боласини терғаса, ёмон бўл деб тергамайди-ку, айниқса, қиз боланинг шаънига доғ юқиши осон" деган ўй хаёлимдан ўтди. Бу қиз илгари ҳам бир неча бор мазкур муассасага келган. Ҳар ҳолда, отаси олиб келиб ташлаб кетмагандир, ўзининг саёқ юриши сабаб бўлгандир бунга?

Олмалиқлик Гулнора ўзи ҳақида гапиришга уялди. Ўн олти яшар, одми кийинган бу қизнинг тортинчоқлиги юзу кўзидан билиниб турарди.

– Ўн боласи сиққан ўгай отасининг уйига биргина Гулнора сиғмаган, – деди ёнидаги қиз. Гулнора бу гапдан уялдими, хўрлиги келдими – юзини четга бурди.

Ҳадемай келин, бир уйнинг бекаси бўладиган қизларнинг бу аҳволга тушиши аввало ота-она учун уят-номус эмасми? Уларнинг кўча-кўйда ёмон одамлар қўлига тушишидан худо асрасин.

Ўғил болаларнинг кўпчилиги янгийўллик экан. Ўн бир яшар Тимур ҳам бу ерга тез-тез тушиб тураркан.

– Бу гал нега олиб келишди? – сўрадим ундан.

– Арақ ичиб маст бўлувдим...

– Ия, сенга ким арақ берди? – ҳайрон бўлдим.

– Танишларим.

– Ҳали чексанг ҳам керак?

Тимур индамади, ёнида ўтирган малласоч бола — Саша гапга қўшилди:

– Чекади.

– Ичсанг, чексанг – отанг индамайдими?

– Отаси йўқ, – яна Саша жавоб берди.

– Ўзинг-чи? Ўзингнинг онанг борми?

– Бор.

– Отанг ҳам борми?

Саша жавоб ўрнига бошини лиқиллатди. Гапга Тимур қўшилди:

– Отаси қамоқда. Ҳозир ўгай отаси билан яшайди.

– Уйдагилар уришадими?

– Йўқ, – негадир Саша кулди.

– Сўкишадими?

– Йўқ.

– Нега унда уйдан кетиб қоласан?

– Зерикаман-да.

Шу пайт Сашанинг онаси келиб қолди.

– Ўзим ҳам ҳайронман, – дейди у. - Агар ўгай отанг билан яшашни хоҳламасанг ажралишаман, дедим. Йўқ, яшайверинг, дейди. Эрим уни урмайди, уришмайди. Тўғри, тергаб туради. Неча марта сўрамасдан уйдан кетиб қолди. Бунақада интернатга топшираман, шекилли...

Олмалиқлик Миша ажойиб бола экан. Ўн икки ёшли бу болакай ўзини худди катталардай Михаил Андреевич Муравьёв деб таништирди. Яшаш манзили, мактабини ҳам дона-дона қилиб айтди. Унинг сўзига қараганда отаси қамалган, онаси ўлган экан. Асраб олган онасининг қўлида тургиси келмай кетиб қолган.

– Люба бувимникида жон деб турардим. Амакижон, айтинг, ўша ёққа обориб қўйишсин, – ялинди у.

– Одатда бу ёққа болалар кир-чир, касалга чалинган ҳолатда келишади, – дейди навбатчи тарбиячи, милиция катта лейтенанти Елена Смаилова. – Шунинг учун аввал уларни чўмилтирамиз, кийимларини алмаштирамиз. То тиббий кўрикдан ўтказгунча бошқалардан алоҳида сақлаймиз.

– Қанақа касалликлар учрайди?

– Ўзингиз ўйланг, ертўлаларда, вокзалларда ётса, вақтида ювинмаса, кир қўл билан овқатланса, нима касалликларга чалиниши мумкин? Шамоллаш, тери, ўткир ичак касалликлари бўлиши мумкин.

– Кўпроқ қанақа оилаларнинг болалари бу ерга келади? – сўрайман яна.

– Суҳбатлашиб ҳам билган бўлсангиз керак. Аксариятининг отаси қамалган, онаси ичкиликка берилган ёки ҳар иккаласи ҳам арақхўр, гиёҳванд. Фарзанди билан иши йўқ. Болага меҳр керак, кийим-бош, егулик керак. Ёзда вилоятлардан ишлашга келган болалар ҳам учраб туради.

– Болаларнинг орасида ичадиган, чекадиганлари бор экан...

– Бензин, бўёқ ҳидлайдиганлари – токсикоманлари ҳам бор. Улар шу билан ўзларини "чалғитмоқчи" бўлишади.

Беихтиёр ота-онанинг фарзанд олдидаги масъулияти ҳақида ўйга толасан киши. Тўғри, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида уларнинг бурчлари аниқ кўрсатилган. Аммо, чамамда бу масъулиятни янаям ошириш керак, чоғи. Токи ҳар бир туғилажак фарзанд ота-она томонидан иқтисодий жиҳатдан таъминланиши аниқ кафолатлансин. Майли, меҳр-муҳаббатни мажбуран талаб қилиб бўлмайди. Ота-она фарзандига етарли эътибор беролмаслигига кўзи етса, уни меҳрибонлик уйига топширсин. Бола кўча-кўйда сарсон бўлиб, турли таъсирларга тушиб юргандан кўра шу маъқул. Фақат бундай ота-онани, ҳатто улар жазони ўташ муассасаларида сақланса ҳам мажбурий меҳнатга жалб этиб, уларнинг иш ҳақидан бола таъминоти учун зарур миқдорини чегириб олиш керак.

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида 3-18 ёш оралиғидаги болалар сақланар экан. Ҳаётда турлича ҳолатлар бўлади. Уч-тўрт ёшида ҳам ўзини эплаб овқатини еёлмайдиганлар, тагини ҳўл қилиб қўядиганлар учрайди. То тиббий кўрикдан ўтказиб бўлгунча ҳам болаларга тиббий ёрдам кўрсатишга тўғри келади. Шунинг учун бундай муассасаларда ҳамширадан ташқари педиатр, энагалар ҳам ишласа мақсадга мувофиқ бўларди.

**Б. ТОШЕВ.**

Жиноятчи жазосиз қолмайди

**Малика эртаклардаги маликалардек ҳаёт кечиришни истарди. Бунинг учун нима қилиш керак? У бозорда тадбиркорлик қилмоқчи бўлди. Аммо уддалай олмади. Ўзи яшаётган ширкат хўжалигидан ер олиб ишлашга бўйни ёр бермади. Орада гиёҳвандлик моддаларини сотган эри иккинчи маротаба қамалди...**

# МАЛИКАНИНГ СИРИ ОЧИЛДИ



Малика ниятига етгунча йиллар ўтиб, турмуш ўртоғи ҳам белгиланган жазони ўтаб қайтди. Аммо Маликага ҳамон ширин хаёллар тинчлик бермасди. Турмуш ўртоғининг ҳаёти унга ибрат бўлмади — гиёҳвандлик моддаларини сотиб, бойимоқчи бўлди. Ахир у ширкат хўжалиги кадрлар бўлими бошлиғи бўлса, ундан ким ҳам шубҳаланарди? Малика шу хаёллар билан "иш"га киришди.

... Кўча эшиги тақиллади. Болалардан бири эшикни очди.

— Онангиз бормилар? — сўради нотаниш аёл.

— Уйдалар, — деди қизча ва онасини чақирди.

— Сизни танимаяпман? — деди Малика салом-аликдан сўнг, — лекин қаердадир кўргандекман...

— Илгари бозорда учрашгандик, — ўзини таништирди аёл. — Исмим Саломат. Майда-чуйда нарсаларни сотардим. Топганим кунимга етмай қолди...

— Қаерда яшайсиз?

— Туман марказида.

Малика уни ичкарига таклиф қилди. Гап орасида нима мақсадда келганини билиб олди.

— Малика опа, мен узоқ ўтирмайман, — деди Саломат дастурхон ёзаётган хонадон соҳибасига. — Зарур иш билан келгандим.

Малика "қулоғим сизда" дегандек унга яқинроқ ўтирди:

— Хизмат?

— Очиқ айтганим учун узр. Сизда героин бор деб эшитдим. Оз-оз сотиб юрардим.

— Йўқ, мен ундай ишлар билан шуғулланмайман, — меҳмонни синаб кўрмоқчи бўлди Малика. — Ширкат хўжалигимизда кадрлар бўлими бошлиғиман.

— Эшитганман, — Маликанинг гапини бўлди Саломат. — Мендан шубҳаланмасангиз ҳам бўлади. Ахир бир туманда яшаб, сизга ёмонликни раво кўраманми?

Саломат Маликанинг ишончига кириш учун ялиниб-ёлворди. Доимо олдиберди қилиб туришга ваъда берди. Хуллас, Малика унинг сўзларига ишонди.

— Майли, эртага тушлик пайтида келинг. Тозасидан 10 грамм топиб қўяман. Лекин бу ўртамизда сир бўлиб қолиши керак.

— Бу ёғидан хотиржам бўлинг, — тинчлантирди Саломат.

Эртасига тушлик пайтида Саломат Маликанинг эшигини тақиллатди. Хонадон соҳибаси унга пешвоз чиқди. Малика меҳмонни ичкарига таклиф қилиб, ўзи уй атрофини кўздан кечирди. Шубҳали ҳеч ким кўринмади. У ичкарига киргач, Саломатдан пулни сўради.

— Мана, келишганимиздек 400 минг сўм, — сумкага солинган пулни Маликага узатди Саломат.

Малика мўмайгина пулни кўриб, харидорнинг ҳожатини чиқаришга ошиқди.

— Эҳтиёт бўлинг, — огоҳлантирди у, — агар қўлга тушиб қолгудек бўлсангиз мени сотмайсиз.

— Туф-туф, худо асрасин, — Саломат ёқасини ушлади. — Ҳозиргача қилаётган ишимнинг "иси"ни чиқармагандим. Яна билмадим...

Саломат эшикдан чиқиб улгурмасданоқ, Ҳазорасп тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция майори М. Эшчонов, катта тезкор вакил, милиция майори А. Ибодуллаев, тезкор вакил, милиция катта лейтенанти Р. Қурбонов, катта тезкор вакил, милиция капитани А. Матёқубовлар кириб келишди. Хом хаёлларга берилган Қ. Малика далилий ашё билан қўлга олинди. Унинг уйи кўздан кечирилганда сотиш мақсадида тайёрлаб қўйилган 58 грамм героин гиёҳвандлик моддаси топилди.

Туман ИИБ тезкор гуруҳи томонидан ўтказилган назорат тартибидаги олди-сотди текширувида Қ. Маликанинг янгича "иш фаолияти"га шу тарзда нуқта қўйилди.

**Х. ЖАББОРОВ.**

**Суратда:** Ҳазорасп туман ИИБ катта тезкор вакили, милиция майори А. Ибодуллаев (ўнгдан иккинчи), тергов бўлинмаси бошлиғи, милиция майори М. Қиличев, тезкор вакиллар, милиция катта лейтенанти Р. Қурбонов ва милиция лейтенанти Ҳ. Машариповлар билан навбатдаги тадбир олдидан.

**Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.**

... Пайшанбадан пайшанбагача...

## ОЙБОЛТАЛИ БОСҚИНЧИ

Сирдарё вилояти Бахт шаҳрида яшовчи Э. Ҳакимовникига "меҳмонлар" ярим тунда девор ошиб келишди. Бунинг устига улардан бирининг қўлида ойболта бор эди. Талончилар мезбонларни қўрқитиб 290.000 сўмини олиб кетишди.

Аммо узоққа боришолмади. Тез орада ички ишлар ходимлари уларни қўлга олди. Бировининг уйидан 7,65 мм калибрли тўппонча топилди.

## ПИЁДА ЮРИШГА "ЭРИНДИ"

Учқўрғонлик О. И. "Чуст-Поп" йўли бўйлаб кетаётган эди. Қараса йўл ёқасидаги машина таъмирлаш устахонаси олдида "Tico" русумли машина турибди. Пиёда юраманми деб шартта унга ўтирди. Фақат кўзлаган манзилига етиб бора олмади. Унга милиция ходимлари пешвоз чиқишди.

## НИҚОБЛАРИ ЕЧИЛДИ

Тахтакўпир туманилик О. Кайпенов уйига бостириб кирган ниқобли икки кимсани кўриб довдираб қолди. Босқинчилар уй эгаси ва оила аъзоларининг қўл-оёқларини боғлашди. Бу ҳам етмагандек оғир жисм билан уриб, уларга тан жароҳати етказишди. Сўнгра уйдан 150.000 сўм пул, видеомагнитофон ва заргарлик буюмларини олиб жуфтакни ростлашди.

Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида бир кун ичида уларнинг ниқоблари ечилди.

## БИР ЛАҲЗАЛИК МИЛЛИОНЕР

Денов туманида бир миллионер пайдо бўлдию касодга учради. Муқаддам судланган 47 ёшли М. К. икки килограммга яқин опий гиёҳвандлик моддасини тўрт миллион сўмга сотаётганда қўлга олинди.

**И. МИНАВАРОВ,**
*милиция майори.*

*Мактабларда машғулотлар тугаб, ўқувчилар ёзги таътилга чиқишди. Ёз фаслида болалар иштирокида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари қатор тадбирларни режалаштиришган. Хусусан, Тошкент вилояти ИИБ ЙҲХБ ходимлари жойларда тузилган ёш автоназоратчилар фаолиятидан кенг фойдаланишга қарор қилишди. Ёш автоназоратчилар ЙПХ ходимлари билан биргаликда болалар муассасалари, оромгоҳларда йўл ҳаракати қоидалари бўйича суҳбатлар уюштириб, амалий машғулотлар ўтишади.*

***Суратда:** йўл-патруль хизмати инспектори, милиция катта сержанти Б. Қобилов ёш автоназоратчилар билан навбатдаги ишлар режасини тузишяпти.*

**Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ олган сурат.**



Қисқа сатрларда

## ЎҒРИ НАБИРА

Пенсионер Ҳайитбой Мерганов оғилхонасидан қўйи ўғирланганини тонгдаёқ билиб, ҳуши учди. Учтўрт кун ичида хабар топмагач, милицияга ариза берди. Изқуварлар ўғрини тезда фош этишди. Қарангки, отахоннинг қўйини гумдон қилган набираси Ж. М. бўлиб чиқди.

## ОҒУФУРУШЛАР ТУЗОҚДА

Қашқадарё вилояти ички ишлар идоралари ходимлари "Қорадори" тадбирини уюшқоқлик билан олиб боришаётгани туфайли бир нечта ҳолатлар аниқланди. Жумладан, шу йил 4 май куни Шаҳрисабз туманилик Ислом Ж. мижозга 1 килограмм марихуана моддасини 940 минг сўмга пуллаётганда милиция ходимлари қўйган тузоққа илинди. Ғузор тумани ИИБ ходимлари эса ҳайдовчи Шуҳрат Б. бошқариб келаётган "ЗИЛ-130" русумли автомашинани тўхтатишганда машина салонида 190 грамм марихуана сақланаётганини аниқлашди. Шунингдек, шу туманда яшовчи Дилшод Ҳ. нинг уйидан яшириб қўйилган 250 грамм марихуана топишди. Ўзгалар ҳаётига оғу солмоқчи бўлганларнинг пайи қирқилишига шак-шубҳа йўқ.

## СИМ "ШАЙДОЛАРИ"

Қимматбаҳо рангли метал парчаларини пуллаш мумкинлигини англаган айрим шахслар ножўя ишларга қўл уришмоқда. Чиқинди бўлса майли, симёғочлардаги алоқа симларига қирон келтиришаётганига нима дейсиз? Муборак магистрал газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Муборак жамоа ширкат хўжалиги ҳудудидан ўтган 29 дона симёғочдан 6525 метр узунликдаги электр симлар бир кечада кесиб-узиб кетилганлиги ҳақидаги хабар ички ишлар бўлимига тушди. Милиция ходимларининг саъй-ҳаракати натижасида ушбу ўғирликни Комил А., Анвар Ш. ва Раҳмон Ҳ.лар содир этганлиги аниқланди.

**Ў. ҲАЙДАРОВ.**



UCHINCHI OLAM + TV
«Постда» gazetasining ilovasi
TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

**Қадим-қадимдан руҳнинг барҳаётлиги ҳақида қарашлар мавжуд бўлган. Ҳатто айрим ибтидоий халқлар ҳайвонлар руҳини ўлмас деб ҳисоблашган. Бу қараш хусусан овчилик билан шуғулланадиганлар орасида кенг тарқалган. Улар, айтайлик буғини ўлдиришдан олдин унинг руҳи олдида кечирим сўрашган.**

**Эътибор берилса барча диний қарашлар асосида ҳам руҳнинг ўлмаслиги тушунчаси ётади. Бу одамларни фоний дунёда инсоф, иймон билан ҳаёт кечиришга чорлаган. Чунки ҳар бир хатти-ҳаракатнинг савол-жавоби бўлади, деб ҳисобланган.**

# ЎЛИМДАН КЕЙИНГИ ҲАЁТ

Хўш, ҳақиқатан ўлимдан сўнг ҳаёт борми? Инсон руҳи ўлмасми? Унинг иккинчи ҳаёти биринчисидан қандай фарқ қилади? Доктор Раймонд Моуди ўзининг "Ҳаётдан кейинги ҳаёт" китобида ана шу мавзу бўйича олиб борган тадқиқотларини баён этади.

Қуйида мазкур асардан олинган айрим парчалар ҳамда ўзимизда туғилган баъзи фикр-мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ҳозирги замон табобати кишиларни клиник ўлим ҳолатидан ҳаётга қайтариш имконини беряпти. Муаллиф ўз изланишларини айнан шундай жараённи бошидан кечирган ёки ажал оғзидан қайтган одамларнинг ҳикоялари асосида олиб борган.

Кўпчилик ўлимдан қўрқади, айни пайтда унга қизиқади. Хўш, ўлимнинг ўзи нима? Китоб қаҳрамонларининг сўзларини келтирамиз.

"Киши ўлгач, бутун азоблари йўқолади". "Мен ўлаётганимда қоп-қоронғу туйнукдан катта тезликда ўтаётгандай бўлдим". "Киши ўлгач, бутунлай хотиржам тортаркан. Барча қўрқувлари йўқолади". "Қайта тирилганимдан сўнг бир ҳафта уззу-кун йиғладим. У дунёни кўрганимдан сўнг бу дунёда яшагим келмасди".



Ўлим ҳолатини бошидан кечирганларнинг аксарияти баланд, ёқимсиз шовқин эшитишган, узун, зим-зиё йўлакдан ўта катта тезликда ўтишаётганини ҳис қилишган. Кейин улар (руҳлари) вужудларидан чиқиб, четдан (кўпинча тепадан) ўз таналарини кўришган. Атрофдагилар, хусусан шифокорлар жонсиз танани ҳаётга қайтаришга уринишларини томоша қилишган.

Орадан бир оз вақт ўтгач, руҳ аста-секин ўзининг янги ҳолатига кўника бошлаган. Унга ёрдам бериш учун марҳум қариндошлари, яқинларининг руҳлари келишган. Яхшиси, бу ва бошқа ҳолатларни бевосита уларнинг сўзлари билан ҳикоя қилайлик.

Оғир жароҳат олган йигитнинг ҳикояси:

"Аввал қаттиқ оғриқ ҳис қилдим. Кейин оғриқ йўқолди. Гўё ҳавода, қоронғуликда сузиб юргандек ҳис қилардим ўзимни. Кун совуқ эди. Аммо энди мен учун иссиқ ва ёқимли туюларди. "Ўлган бўлсам керак" деган ўй хаёлимдан ўтди".

Юрак хуружидан сўнг ҳаётга қайтарилган аёл:

"Ғалати туйғуларни туйдим. Руҳим ажиб енгил, хотиржам тортди. Ташвишу хавотирларимдан асар ҳам қолмаган эди. "Қандай яхши, оғриқларим ҳам йўқолибди" дедим ўзимга ўзим".

Бошқа бир бемор аёлнинг ҳикояси:

"Нафас олмай қўйдим, юрагим уришдан тўхтади. Ҳамширалар тўсатдан бақириб-чақириб югуриб қолишди. Шу пайт танамдан ажралиб, аввал полга тушаётганим, кейин шифтга кўтарилаётганимни ҳис қилдим. Бир пасда мен ётган палата ҳамшираю шифокорларга тўлиб кетди. Тепага кўтарилиб ниҳоят шифтга етай деганда тўхтаб қолдим. Ўзим ўзимга худди қуш патига ўхшаб туюлардим. Гўё кимдир пуфлагану, мен юқорига учиб кетганман.

Танам караватда ётарди. Унинг атрофида шифокорлар куймаланишарди. Бир ҳамшира "Вой шўрим! Ўлиб қолибди-ку!" деб қичқирди. Бошқаси эса энгашиб оғзимга оғзини қўйиб, сунъий нафас олдира бошлади. Мен орқа томондан унинг сочларини томоша қилардим. Ҳеч эсимдан чиқмайди — ҳамширанинг сочлари калта қирқилган эди. Кейин хонага аппарат олиб кириб, кўкрагимга электр токи билан таъсир ўтказишди. Кўкрагимни, қўл-оёқларимни уқалашга тушишди. "Нега улар бунча ҳаяжонланишади? Менга шундоқ ҳам яхши-ку" деб ҳайрон бўлардим".

— Бир неча кун олдин яқин дўстим Бобни ўлдириб кетишганди, — дейди бир йигит. — Сал бўлмаса ўлай деган куним танамдан чиқдим. Шунда Боб ёнимда эканини ҳис қилдим. Аммо у гапирмас, саволларимга жавоб бермасди. Фақат доктор "У тириляпти" деган кунигина Боб мени тарк этди.



Ўлим ҳолатини бошидан кечирганларнинг анча-мунчаси қоронғу йўлакдан ўтишганидан сўнг ажиб бир ёруғликка дуч келишган.

— Йўлак охирида ёруғликка кўзим тушди. Яқинлашганим сайин у янада равшанлашарди, — дея ҳикоя қилади бир киши. — Борган сари унга яқинлашишни истардим.

Бошқа бировнинг ҳикояси:

"Бу ёруғлик шундай гўзал, фусункор, равшан эдики... Аммо кўзларимни қамаштирмасди. У ердаги ёруғликка сира ўхшамасди. Бу муҳаббат зиёси эди. Фикран "Мени севасанми? Агар чинакам севсанг, танангга қайт, ердаги, ҳаётдаги бошлаб қўйган ишларингни тугат", дерди у гўё. Ўша лаҳзаларда бутун атрофимни буюк муҳаббат ва ҳамдардлик чулғаб олганини ҳис қилиб турардим".

Одамлар орасида қоронғу йўлакдан ўтиб, ғаройиб ёруғликка дуч келгач, умуман ўлим ҳолатини бошдан кечираётганда ўтган ҳаётлари кўз олдиларидан кино тасмасидай ўтганлар ҳам бор.

Вьетнам урушида оғир яраланган америкалик собиқ аскарнинг гапларига диққат қилинг:

"Менга олтита ўқ теккан эди. Эсимда, бундан қўрққаним йўқ, аксинча, аллақандай енгил тортдим. Кўз олдимдан бутун ҳаётим липиллаб ўта бошлади.

Аввал болалигимга қайтдим. Кейин ўсмирлик пайтларимда бошдан ўтказганларимни кўрдим. Кадрлар тез-тез алмашар, аммо барчаси яхши эсимда қоларди. Уларнинг барчаси жуда қисқа вақт ичида юз берди".

Одамларнинг қарийб барчаси ўз "ўлими"нинг дастлабки лаҳзаларида тезроқ таналарига қайтишни хоҳлашган, вафотларидан қайғуришган. Аммо маълум босқичдан ўтгач, руҳ вужудга қайтишни истамаган, ҳатто бунга қаршилик ҳам қилган. Бу айниқса, юқорида айтилган ғаройиб ёруғ мавжудот билан кўришгач кўпроқ кузатилган.

— Шу ерда бутунлай қолишни хоҳлардим, — дея ҳикоя қилади бир аёл. — Аммо болаларим, эримни эсладим. Улар олдидаги бурчим руҳимни танамга қайтишга мажбур қилди.

Баъзан яқинларининг дуои илтижолари, муҳаббати ҳам кишиларнинг қайта тирилишига сабаб бўларкан.

"Кекса холам жон бераётганида тепасида тургандим, — дейди бир аёл. — Бир неча бор у нафас олишдан тўхтади. Ҳар гал бировимиз дуо ўқиб, ибодат қилиб унинг соғайишини сўрардик. Шундан сўнг у кўзини очиб, нафас ола бошларди. Бир гал у менга илтижоли қараб: "Жоан, мен у ёққа кетишим керак. Ўша ёқда қолишни истайман. Аммо сизлар дуо ўқиб мени қайтаряпсизлар. Ёлвораман, бошқа ибодат қилманглар", деди. Биз дуо ўқишдан тўхтагач, ҳақиқатан тез орада унинг жони узилди".

Нариги дунёга, ўлимдан кейинги ҳаётга озгина бўлса ҳам саёҳат қилганларнинг аксарияти бу ҳаётга бошқача назар билан қарайдиган бўларкан.

"Энди фақат ўзимгагина нафи тегадиган эмас, балки умуман яхши ишлар билан шуғулланишга ҳаракат қиламан", — дейди улардан бири.

Яна бир кишининг хулосаси қуйидагича: "Энди аниқ биламан: ўлимдан кейин ҳам ҳаёт бор. Мен ўлишдан қўрқмайман".

Нима дердик. Ҳақиқатан ўлимдан кейинги ҳаёт қанақа бўлишини вафотимиздан сўнг аниқ биламиз. Аммо бир нарса аниқ: инсон руҳи ўлишни истамайди. Бутун уриниш-суринишлари сабаби ҳам шундадир. Айни шу истак билан у кучли ва юксакдир. Руҳимиз ўз-ўзини чуқурроқ англагани, камолга етказгани сайин янада юксалиб боради. Ўлимдан кейинги ҳаёт балки соф руҳий, маънавий ҳаёт эканлиги билан бизни янаям қизиқтирар. Нима бўлганда ҳам шоир айтганидек:

***Табиат, ишончдан***
***айирма сира,***
***Айирма, ўчмасин***
***дилдан шукуҳинг.***
***Бенишон йўқолиб***
***кетгандан кўра,***
***Яхши-ку тентираб***
***юрса ҳам руҳинг.***

Қадимги дунёнинг етти мўъжизаси

# ИСКАНДАРИЯ МАЁҒИ

**Қадимги дунёнинг етти мўъжизасидан фақат биттаси – Искандария маёғи нафақат архитектура ёдгорлиги, балки амалий вазифани ҳам бажарган. У денгизчиларнинг Катта бандаргоҳга хавфсиз қайтишини таъминлаган. Бундан ташқари дунёдаги энг баланд иншоот ҳисобланган.**

**Искандария маёғи қадимги Фарос оролида жойлашган. Бугунги кунда у Мисрнинг Искандария шаҳри ҳудудидан ўрин олган бурундир.**



Эрамиздан аввалги 332 йилда Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) Мисрни забт этгач бу ерда янги пойтахт барпо этишга киришди. Шу тариқа Искандария вужудга келди.

Янги шаҳар ўрни пухта ўйлаб танланди. Унинг Нил дарёси қуйилишидаги асоси ўрнига ғарбдан бандаргоҳни дарё олиб келувчи лойқалар булғай олмайдиган йигирма миль олисдаги ҳудуд олинди. Шаҳар жануби Мареотис кўлига туташиб кетган эди. Кўл ва Нил дарёси ўртасида канал барпо этилгач шаҳарда иккита бандаргоҳ пайдо бўлди. Ушбу бандаргоҳлар Нил дарёсида ҳаракатланиш ва Ўрта Ер денгизида савдо ишларини юритишга мўлжалланган эди. Иккиси ҳам чуқур бўлиши ҳамда тоза сақланиши талаб этиларди.

Искандар эрамиздан аввалги 323 йилларда оламдан ўтди ва шаҳар қурилишини Птоломей I ниҳоясига етказди. У ҳукмронлик қилган даврда Искандария бадавлат шаҳарга айланиб, гуллаб-яшнади.

Ушбу гўшада ажойибот ва ғаройиботлар талайгина эди. Астрономик обсерватория, мактаб, анатомик театр, устахоналарга эга бўлган Мусейон (илҳомбахш музей-эҳром) ҳам шу ерда жойлашганди. Турли даврларда Мусейонда улуғ грек олимлари – геометрия фани асосчиси Евклид, жарроҳликнинг "отаси" Герофиллар яшаб, меҳнат қилганлар. Архимед ҳам шу ерда таълим олиб, ишлаган. Шунингдек, биринчи автомат қурилмаларни яратган ҳамда улар ҳақида "Автоматлар театри" деб номланган китоб ёзган ажойиб механик Герон узоқ йиллар фаолият юритган.

Кемасозлик, денгиздаги савдо-сотиқлар ривожланган сари дарё ости қоялари ва саёзликлардан сақланиш мақсадида кемаларга Искандария бандаргоҳига хавфсиз йўлни кўрсатиб турадиган маёққа бўлган эҳтиёж тобора кўпроқ сезила бошлади. Шу зайлда Фарос оролининг ғарб томонида, Ўрта Ер денгизида Искандариядан 7 стадия (1290 м) масофадаги морена (музликлар ҳаракатидан ҳосил бўлган қатлам)да ушбу орол номи билан аталувчи маёқ қурилди. Унинг номи ва вазифаси шу даражада уйғун эдики, "фарос" сўзи француз, итальян, испан ва румин тилларидаги "маёқ" сўзига асос бўлиб хизмат қилди.

Иншоотнинг баландлиги 135 метр эди. Ёруғлик 60 км. масофадан кўринган (бошқа маълумотларга қараганда 100 километргача). Пастки қисми 60 метр баландликка ва тўртбурчакли асосга эга бўлган, томонлари эса 30 метрли тўрт қиррали призмадан иборат эди. Ичкаридаги хоналарда турли хил жиҳозлар сақланган, бурчакларида денгизлар шоҳи Посейдоннинг ўғли Тритоннинг баҳайбат шакллари ўрин олган япалоқ қопқоқ эса унинг ўрта қисмини англатарди. Бу 40 метрли саккиз қиррали призма – ташқи томонига оқ мармар билан безак берилган минора эди. Маёқнинг юқори (учинчи) қисмидан цилиндрик қатор устунлар ўрин олганди. 8 та устун денгизлар шоҳи Посейдоннинг бронзадан ишланган 7 метрли ҳайкали ўрин олган гумбазни кўтариб турарди. Маёқдаги доимий ёниб турувчи катта гулхан ёруғлик манбаи бўлиб хизмат қиларди. Ёруғлик шунча масофага қай тарзда таралгани ҳозиргача аниқланмаган. Тахминларга кўра бунга сайқалланган бронза ёки ойна ўрнатилган улкан кўзгу ёрдамида эришилган. Бошқа бир тахминда эса силлиқланган ялтироқ тошлар – линзалардан фойдаланилгани айтилади.

Маёқни томоша қилганлар тилла суви югуртирилган бронзадан ясалган баланд бўйли, келишган аёлларнинг шаклини кўриб ҳайратга тушганлар. Булар оддий ҳайкаллар бўлмай, айёрона ишланган автоматлар эди. Улардан бири улкан зангори циферблат бўйлаб катта тилла стрелкаларни суриб, шамол ва денгиз тўлқинлари кучини кўрсатиб турарди. Бошқаси эса қўлларини буриб, шамол йўналиши ёки қуёш ва ой ҳаракатини ифодаларди. Аёл-автоматлар катта сув соатлари – клепсидр олдида ҳам мавжуд эди. Туманда ёки ҳаво айнаган пайтда улардан бири букилган тилла шохни овоз чиқариб чалиб, денгизчиларни саёзлик ёки қоялар яқинлашаётганидан огоҳлантирарди.

Фарос маёғини яратган инсоннинг номи тарихда сақланиб қолган. Олимлар тош плиталардан бирида: "Дектифоннинг ўғли Сострат денгизлар учун халоскор худоларга бағишлаб бунёд этди" деган ёзувга эътибор беришган. Ушбу ёзув архитекторнинг билимдонлиги туфайлигина чиқиб кетмаган. Зеро, у ёзув устини суваб Миср ҳукмдорининг номини ёзиб қўйган экан.

Маёқнинг кўзни қамаштирувчи нурлари кесишган нуқтада Мусейон буюк олимларининг донишмандлиги, теран фикри ва чуқур билими жамланган гўё. Аммо 1100 йилда рўй берган кучли зилзила чоғида иншоот бутунлай вайрон бўлди. Ўрта асрларда унинг қолдиқлари Кайт Бей турк қалъасига келтириб ўрнатилди. Ҳозирда у Миср ҳарбий қўрғонига айлантирилган.

**С. ШОДИЕВ тайёрлади.**

Ҳажвия

*Михаил ЗАДОРНОВ*

# «УСТИНГИЗДАН АРЗ ҚИЛАМАН...»



Маълумки, Америкада арақ шишада берилмайди. У ерда шишаси билан бериш мумкин эмас. Чунки улар учун бир шиша жуда кўп ҳисобланади, шунинг учун қултумлаб буюрилади. Бир порцияси "ван дринк", икки порцияси – "ту дринк". "Ван, ту" – бир, икки, "дринк" – ичимлик...

Мана, икки рус йигит Америкада ресторанга киришди. Улардан бири анчадан бери шу юртда яшаркан, иккинчиси эндигина борган. Иккови ичмоқчи бўлиб мексикалик ресторанига ташриф буюришди.

– Менга қара, бизга ўн дринк олиб кел, тушундингми? Кейин битта салат ҳам, – дея буюришди официанткага.

– Нима, нима? – официантка тушунмади.

– Ўнта дринк, битта салат. Бўл тезроқ!

Официантка бориб қайтиб келди ва деди:

– Мен инглизчани унча яхши тушунмайман. Яқинда Мексикадан келганман. Буюртмани яна қайта айтинглар, илтимос.

– Ўнта дринк, битта салат.

Официантка ўйланиб қолди ва ниҳоят сўради:

– Қўшимча стул қўяйми, яна одам келадими?

– Ҳеч ким келмайди, икковимиз тинчитамиз. Бўлақол!

Официантка ўнта дринк олиб келди. Хўрандалар уларни бир зумда тинчитдилар.

– Буёққа кел, яна ўнта дринк бер, – дейишди яна официанткага. Официантка олиб келди ва:

– Салат-чи? – деб сўради.

– Салат турсин.

Улар бу дринкларни ҳам "дринк-дринк" қилиб ташлашди. Официантканы тағин чақирдилар.

– Менга қара, – деди йигитлардан бири иккинчисига, – сизларнинг дринкларинг жуда кичкина экан. Ҳадеб сени югуртиравермайлик – бирданига йигирмата олиб кел. Салатга тегма.

Официантка йигирмата дринк келтирди ва бутун ресторан хизматчилари ғалати хўрандалар нима қилаётганини кўришга ошиқишди. Директор эса уларнинг ёнига келиб қўлларини сиқди:

– Сизлар ажойиб хўранда экансизлар, – деди у. – Бизда ҳар тўртинчи дринк бепул.

Директор бу гапни бекорга айтган экан. Хўрандалар тағин официантканы чақирдилар.

– Буёққа кел. Демак, бундай. Биз нимани буюрган бўлсак, ҳаммасини бошқатдан қайтар. Бепулларини алоҳида қўй.

Улар ҳамма дринкларни тинчитиб ўрниларидан турмоқчи бўлганларида ресторан директори кўринди ва деди:

– Сизлар ажойиб мижоз экансизлар. Ҳар доим бизда овқатланинглар. Миннатдорчилик сифатида уйга эсон-омон етиб олишингиз учун "Лимузин" чақираман. Менинг ҳисобимдан олиб бориб қўяди.

Мижозлар буни рад этдилар:

– Бизга "Лимузин" керак эмас, ўзимиз рулдамиз.

Лол қолган ресторан хизматчиларининг барчаси уларни кузатиш учун кўчага чиқишди. Йигитлар бемалол машинага ўтириб, йўлга тушдилар. Уларни йўлда полициячи тўхтатиб деди:

– Битта чироқларинг ёнмаяпти.

Йигитлар оғизларидан келаётган ҳид билинмаслиги учун ойнани фақат қулоқ сиққудай очишганди.

– Бўпти, ҳозир тузатамиз, – дейишди улар.

Аммо ҳатто қулоқларидан ҳам ҳид анқиб турарди.

– Ичгансизлар шекилли? Қанча ичдиларинг? – сўради полициячи.

– Меъёрида.

– Йўқ, меъёрда эмас. Тестдан ўтасизлар, қатъий америкача қонун бўйича. – У ёнидан Америка техникасининг сўнгги ютуғи бўлмиш синов аппаратини чиқарди.

Йигитларнинг ранги оқарди. Чунки бош тортиб бўлмайди, олиб кетишади. Пора беришса, судга тушишади. Бу мамлакат полициячилари йўлда туриб ҳам пул топиш мумкинлигини билишмайди. Хўрандалар сўнгги чорани қўллашга мажбур бўлдилар. Фақат йигитларгина оғиздан овоз чиқариб туриб бурнидан пуфлашни биладилар. Пуфлашди. Американлик аппаратига қаради. Унда "ўлик" деган ёзув бор эди. Шўрлик полициячи аппаратга шундай ёзув ҳам киритилганидан бехабар экан. У аппаратни силкитиб кўрди, каловланди. Ўлик билан гаплашаётганидан қўрқиб кетди. Ақл бовар қилмайдиган воқеа.

– Яна бир марта пуфлолмайсизларми? – сўради у.

– Марҳамат. Пуф!

Тағин "ўлик" деган ёзув пайдо бўлди. Бундан америкаликнинг тепа сочи тикка бўлиб кетди.

– Бу нима? – дея аппаратни кўрсатди, у.

– Аппаратингиз бузилган! – бақирди пуфлаган йигит. – Устингиздан шикоят қиламан! Нима, мен ўликманми?

Полициячи довдираб йигитларни қўйиб юборди. Уларни бошқа бир полициячи тўхтатди.

– Аппаратингни бер, – деди рус йигит. – Пу-уф! А-а! "Ўлик" чиқдими?

– Қаердан биласиз? – сўради америкалик.

– Ҳаммаларингнинг аппаратинг бузилган! Устиларингдан муниципалитетга шикоят қиламан! Биттанг ҳақорат қилиб бўлдинг, унда ҳам "ўлик" чиқдим!

Америкалик ишонқирамай уларни аввалроқ тўхтатган полициячига қўнғироқ қилди.

– Сен ўликларни тўхтатдингми?

У тасдиқлагач, етказган маънавий зарарни қоплаш учун йигитларни кузатиб, уйларигача олиб бориб қўйди.

**Русчадан О. ФАРМОН таржимаси.**



**ЭНИГА:** 1. Ўзбекча стол. 3. Тадқиқот. 6. Сунъий. 8. Юлғич. 10. Нигериядаги шаҳар. 11. Хотин-қизларга мурожаатда ҳурматни ифодаловчи сўз. 12. Опа-сингилларнинг ўғил-қизлари (тоғаларнинг фарзандларига нисбатан). 15. Отнинг “этикдўзи”. 16. Муаллиминг кўрганда, саломинг қилма ... (Қ.Муҳаммадий). 19. Қовун бўлаги. 21. Талабалар учун “энг азиз байрам”. 22. Романнинг “укаси”. 23. Равшан. 26. Янги уй олаётганда асосан нимага эътибор берилади? 29. Алеут оролларидан бири. 32. Маза-... . 33. Меросхўр. 34. Эр-хотиннинг ярашгунга қадар бўлган вақтни “ўлчайдиган” мато. 35. Тоза, обод. 38. Аввалги, бурунги. 39. Бирор касбга, соҳага ва унинг тартиб-қоидаларига оид китобча. 40. Мазут. 45. Ўтмишда. 47. Махси-кавуш тури. 49. Ғалла омбори. 51. Сутдан қатиқ, қатиқдан эса ... 52. Омма, халқ. 53. Ахлоқни ўрганувчи фан. 54. Изсиз, ном-нишонсиз. 56. Ғаламислик, иғвогарлик. 58. Бошланғич савод китоби. 62. Никоҳ тўйидан кейин келин ёки куёв шарафига ўтказиладиган биринчи чақириқ. 63. Бор-йўғи, фақатгина. 64. Касалликдан қолган “белги”. 65. Металлнинг кислород таъсирида емирилиши. 66. Санъаткорлар қўшиқлари тўплами. 67. Изтироб. 69. Кальций оксиди. 70. Диогеннинг “касби”. 72. Тегишлилик, таалluқлилик. 74. Шикоят. 76. Уйнинг шипидан оқадиган “оқин”. 78. ... узун бўлса, қўл куймас. 80. Хоҳиш. 81. Зўрға. 82. Филиппиндаги шаҳар. 83. Ариқ. 84. Ошхона, қаҳвахона, ...

**БЎЙИГА:** 1. Қизғанчиқлик. 2. Ҳаққониятсизлик билан иш кўрувчи. 3. Пичоқ. 4. Ишончли вакилга бериладиган ҳужжат. 5. Хусуматчи. 6. Умумий. 7. Таом номи. 9. Бинонинг олд томонидаги кўркам қисми. 13. Пахта. 14. Хасис. 17. Борига қаноат қилмайдиган. 18. Буюк, улкан. 20. Киприк. 21. Теоремага керак, аксиомага бўлса керак эмас. 24. Хамирли таом. 25. Омбур. 26. “Ҳар қандай катта саёҳат илк ...дан бошланади”. 27. Донгдор, машҳур. 28. Овқат. 30. Мойиллик. 31. Эски туски. 36. Лекин, бироқ. 37. Тутқин аёл. 41. Шикорнинг асосий иштирокчиси. 42. Чама, гумон. 43. Чойхона (эск.). 44. Сиз учун йўқотилган нарса бошқа учун .... 45. Пастки жағ. 46. Кишига ҳузур бағишлайдиган. 48. Таъсирли (бадиий ўқиш ҳақида). 49. От анжоми. 50. Егулик. 51. Мусаффолик, софлик. 55. Дераза ёки эшик пардаси. 57. Болалар “шўхлиги”. 59. Пеле “қироллиги”. 60. Товуқнинг уйи. 61. Вертикал. 62. Гўзаллик. 64. Ток кучи. 68. Уйқу қўшиғи. 70. Товламачи. 71. Салбий ҳодисалар танқид остига олинган мақола. 73. Катта тош. 74. Давомий “хайр”. 75. Италия энг кўп экспорт қиладиган мева. 76. Христианлар ибодатхонаси. 77. Бир ўрам ип. 78. Ҳунар. 79. Олганнинг бир юзини, қайтаришни сўраганнинг икки юзини қизартирадиган нарса.

**Б. АЗИМОВ тузган.**

## ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**ЭНИГА:** 1. Чавандоз. 3. Канизак. 6. Қийма. 8. Бўлак. 10. Ҳаловатли. 11. Роҳатбахш. 14. Гўжа. 15. Ая. 16. Қоида. 19. Пси. 21. Лаънати. 22. Извош. 23. Ошиқ. 26. Иноят. 29. Ақча. 32. Овора. 33. Жом. 34. Тост. 35. Остона. 38. Башорат. 39. Замбил. 40. Мағзава. 44. Қатлам. 46. Бефарқ. 48. Қизилқум. 50. Жануб. 51. Дутор. 52. Осуда. 53. Турбина. 55. Болға. 57. Минбар. 60. Диққат. 61. Ўйин. 62. Миллат. 63. Лохаслик. 64. Оғзаки. 65. Аммо. 67. Грек. 68. Қайнатма. 70. Иншо. 72. Ирқ. 74. Мучал. 76. Шуаро. 77. Сенат. 78. Аждар. 79. Фараз. 80. Йўқ. 81. Нажотсиз.

**БЎЙИГА:** 1. Чийилдоқ. 2. Забардаст. 3. Кўл. 4. Заҳматкаш. 5. Келишган. 6. Қавс. 7. Малоҳатли. 9. Катта. 12. Ҳеч. 13. Радио. 17. Изоҳсиз. 18. Авто. 20. Иззатталаб. 21. Лочин. 24. Шажара. 25. Қўмита. 26. Иттифоқчи. 27. Қорқиз. 28. Маош. 30. Қалбаки. 31. Афиша. 36. Адаш. 37. Уммат. 41. Семурғ. 42. Ультрақисқа. 43. Шукрона. 45. Тўқсон. 47. Қайроқи. 48. Қоқиўт. 49. Зада. 50. Жабр. 54. Умрбоқий. 56. Лавлаги. 58. Баҳаво. 59. Сўтак. 60. Доҳий. 62. Минор. 66. Маслакдош. 68. Қорбўрон. 69. Ахлоқсиз. 71. Ширавор. 72. Ибосиз. 73. Қўшнай. 74. Милтиқ. 75. Чевара. 76. Шкаф.

## ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**ЭНИГА:** Тубан. Кавшарлаш. Мода. Ёлқин. Лист. Фото. Чак. Оломон. Итоат. Кал. Тама. Айни. Ари. Учқур. Ҳанг. Ҳал. Аҳмоқ. Лил. Ора. Эгачи. Фано. Май. Юрак. Энса. Якдил. Аванс. Чора. Лем. Беақл. Зоолог. Ипак. Саҳнли. Малина. Ошна. Азон. Дуд. Литр. Аро. Чиллали. Он. Юклама. Кофе. Дил. Ана. Қази.

**БЎЙИГА:** Муҳлат. Чоҳ. Экзема. Укки. Оёқ. Монанд. Ҳид. Камина. Оро. Сичқон. Чап. Нон. Тариқа. Малол. Лозим. Иш. Лат. Шкала. Аза. Икки. Малака. Квас. Хода. Илон. Тола. Латифа. Ғам. Фотиҳа. Гина. Аллома. Алламаҳал. Пазанда. Томон. Ичак. Нега. Ор. Из. Ишхона. Гелий. Исм. Кинояли.




## ХАНДАЛАР

— Нима учун машинангизнинг давлат рақами йўқ? — деб сўради йўл-патруль хизмати инспектори машина бошқараётган ёш аёлни тўхтатиб.

— Сира хавотир олманг, мен уни ёддан биламан, — деди аёл ҳозиржавоблик билан.

* * *

"Қувиб ўтиш тақиқланади" белгисининг остидаги ёзув:

"Ҳурматли аёллар, мазкур белги фақат қизил ва қора машиналаргагина эмас, балки барча автомобилларга тааллуқли".



O`nta farqni toping



Фахрийлар – фахримиз

# МЕҲР ҚОЛУР, ОҚИБАТ ҚОЛУР...

**Март ойининг охирларида Навоий кон-металлургия комбинатида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бошқармасининг А. Сипатова, А. Мўминов, Т. Климентьева, Б. Тоғаев каби бир гуруҳ фахрийларидан мактуб олган эдик. Улар ўз хатида бошқарма раҳбарияти, хусусан ички хизмат полковниги Мурот Ҳасанов кексаларга ҳамиша ғамхўрлик кўрсатиб келаётганини таъкидлаб, у ҳақда газетамизда ёзишимизни сўрашганди. Яқинда Навоий вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта инспектори, милиция катта лейтенанти Н. Раҳимова мазкур бошқарма бошлиғи, ички хизмат полковниги М. Ҳасанов билан суҳбатлашди. Қуйида ушбу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этяпмиз.**

Суҳбатдошим, — умрининг ўттиз беш йилини ёнғин хавфсизлиги хизматига бағишлаб келаётган Мурот ака раҳбар сифатида талабчанликни ҳам, ғамхўрликни ҳам ўрнига қўяди. Дарахт бир жойда кўкаради, деганларидек, бу жонкуяр инсон ўтган йиллар давомида шу ерда камол топди. Оғир-енгил кунларида ёнма-ён туриб, жамоадошлари меҳрини қозонди.

— Ўттиз беш йил бир жойда ишлашнинг ўзи бўлмаса керак? — сўрайман суҳбатдошимдан.

Мурот ака бир зум ўйга чўмди. Шу тобда хаёлидан нималар кечди экан? Қишлоқда ўсган содда ўзбек боласи учун шаҳарда ишлаб пул топиш, ўқиш, касб эгаллаш, қолаверса, аксарияти бошқа миллат вакилларидан иборат жамоага эл бўлиб кетиш осон кечмагандир. Шуларни ўйладими?

— Инсон меҳнатда тобланади, деганлари рост, — бир оз сукутдан сўнг сўз бошлади у киши. — Мен умримни шу ишга бағишлаганимдан нолимайман. Бошқармамиз иқтисодий жиҳатдан катта қувватга эга бўлган Навоий кон-металлургия комбинатига хизмат кўрсатади. Айни вақтда Нуробод, Навоий, Зафаробод, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмлари ёнғин хавфсизлигини таъминламоқда. Замонавий ўт ўчириш мосламалари, махсус техника воситалари хизматимизда. Ходимларимиз учун меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган. Бу борада, албатта, комбинат раҳбарларининг хизмати, ҳиссаси катта бўлмоқда.

Бошқарма ва унинг тизимида ўтказилган ислоҳотлар жараёни соҳани янада такомиллаштириш ва хизмат самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

— Ўт ўчирувчилик машаққатли касб, — дейди Мурот ака суҳбат асносида. — Давр талабидан келиб чиқиб, ходимларнинг билим ва касб маҳоратини ошириш, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини юксалтиришга жиддий эътибор берилмоқда. Хизматда юқори натижаларга эришиб келаётган ходимлар ўз вақтида рағбатлантириб турилибди. Бу эса иш самарадорлигининг ошишига хизмат қилаётир.

Дарвоқе, М. Ҳасанов билан бир вақтда иш бошлаганларнинг кўпчилиги айни вақтда нафақада. Кўп йиллар жамоада хизмат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган қариялар бошқарма раҳбариятининг доимий эътиборида. Л. Ткачева, Г. Цапинка, Л. Тенетева, А. Сипатова каби кўплаб фахрийлар ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдор. Негаки, уларни бемор бўлса йўқлаб борадиган, байрамларда эслайдиган меҳр-оқибатли касбдошлари бор.

— Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, — дейди Мурод Ҳасанович. — Қарияларга эътибор уларнинг ҳаётга қизиқишини, эртанги кунга ишончини орттиради, жамиятда фаолроқ бўлишга ундайди. Шу маънода жамоамиз фахрийлари билан биргаликда бир қатор тадбирлар ўтказишни режалаштирганмиз. Мақсадимиз фахрийларимизни ёлғизлатиб қўймаслик, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш...

Суратли лавҳа

# ОСОЙИШТАЛИККА КАФОЛАТ

**Тун. Патруль-пост хизмати ходимлари, милиция старшинаси Акбарали Маматов ва милиция катта сержанти Илҳом Аббосов ўзларига бириктилган ҳудудни айланиб юришарди.**

Кўп қаватли уйлар орасидан бир киши гилам кўтариб чиқиб қолди. Ҳушёр тортган милиция ходимлари унинг ортидан билдирмай боришди. Панароқ жойда машина турарди. Ҳалиги киши гиламни машинага юклаб, энди уни ҳайдаб кетмоқчи бўлганди, милиционерлар унинг йўлини тўсишди.

— Йўл бўлсин? — сўради А. Маматов.



— Кўчяпман, нариги маҳаллага, — деди йўловчи тутилиб.

— Ярим кечада-я, — ҳайрон бўлиб сўради И. Аббосов.

Ҳайдовчи жойидан жилолмай қолди. Уни милиция бўлимига олиб келишганда, хонадонларнинг биридан гилам ўғирлаб кетаётганига иқрор бўлди...

Наманган шаҳрининг кўчалари, жамоат жойлари, бозор ва хиёбонларида патруль-пост хизмати ходимларини куну тун учратиш мумкин. Жамоат тартибини сақлаш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси ўлароқ йил бошидан бери шаҳардаги жамоат жойларида жиноятлар 20 фоизга камайди.

— Жиноятчилик, тартиббузарлик ва қоидабузарликлар маҳаллаларда аҳоли гавжум жойларда кўпроқ содир бўлиши сир эмас, — дейди вилоят ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, милиция майори Баҳодир Раҳмонов. — Шу боис ҳам патруль-пост хизматини кучайтириб, куну тун ҳудудларни айланиб, назорат қилиш йўлга қўйилди. Наманган шаҳрида кўча, гузар, хиёбонларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаётган ходимлардан ташқари экипажлар ташкил этилган. Автомашинада милиция зобити, сержант, маҳалла посбони, ҳайдовчи — жами беш киши бўлиб, белгиланган ҳудудларни назорат қилишаяпти. Патруль-пост хизмати ходимлари томонидан кўплаб жиноятларнинг олди олинмоқда.

**С. ШАМСИДДИНОВ.**



**Суратларда:** вилоят ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ходимларининг тунги фаолиятидан лавҳалар акс эттан.

Спорт

# ГИЛАМДА ҚЎЛ ЖАНГИ УСТАЛАРИ

**Нукусда қўл жанги бўйича XII чемпионат ўтказилди. Унда республика ИИВ тизимидаги ички ишлар идоралари ва умумтаълим муассасаларидан 27 жамоа иштирок этди.**

Баҳслар "Кураш" спорт зали ва "Нукус" амфитеатрида қизғин тус олиб, ишқибозларда катта таассурот қолдирди. Умумжамоа ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ терма жамоаси биринчи, ИИВ Академияси ва Бухоро вилояти ИИБ вакиллари эса иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

Шахсий биринчиликда ўз вазн тоифасида А. Улканов, Н. Бобониёзов (иккиси ҳам ИИВ Академиясидан), Т. Кошкаров, Р. Чимбергенов, А. Утемуратов (Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ), С. Назаров (Бухоро вилояти ИИБ)ларга омад кулиб боқди. Ғолиблар ва яхши натижаларга эришган спортчиларга кубок, дипломлар, медаллар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Ж. ОТЕНИЯЗОВ,**
*ички хизмат майори.*

# ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Тошкент вилояти ички ишлар идоралари жамоалари ўртасида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилаётган футбол турнири ниҳоясига етди.**



Унда вилоят ИИБ тизими, шаҳар ва туман ИИБлари вакиллари беллашдилар. Жамоалар икки гуруҳда майдонга тушишди. Биринчи гуруҳда вилоят ИИБ бошқарма ва бўлимлари, иккинчи гуруҳда шаҳар ва туман ИИБлар футболчилари тўп сурдилар. Қизиқарли ўтган турнирнинг биринчи гуруҳида қўриқлаш бошқармаси вакиллари биринчи, ёнғин хавфсизлиги бошқармаси футболчилари иккинчи, шахсий таркиб билан ишлаш хизмати вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

Шаҳар ва туман ИИБлари вакиллари ўртасидаги ўйинда чирчиқликлар биринчи, олмалиқликлар иккинчи, пискентликлар учинчи поғоналарга кўтарилишди.

Турнир сўнггида ғолиб жамоалар ва энг яхши ўйинчиларга совғалар топширилди.

**Ш. ДАЛИЕВ.**
**Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ олган сурат.**

# ПАҲЛАВОН МАҲМУД ВОРИСЛАРИ

**Хоразм вилояти ИИБ ходимлари ўртасида спортнинг ўн тури бўйича ўтказилган беллашув курашларга бой ва қизғин бўлди.**

Мусобақада иштирок этган ўн етти жамоанинг ёш ходимлари – йигит ва қизлар касбларига лойиқ эканликларини исботлаш учун бор маҳоратларини ишга солдилар.

100 ва 3000 метрга югуришда У. Матёқубов ва У. Рўзимовлар ғолиб чиқишди. Турникда тортилиш баҳсларида эса Алексей Эмдан ўтадигани бўлмади. Тош кўтариш бўйича Улуғбек Ибрагимов биринчи ўринни эгаллади.

Спортнинг энг кенг тарқалган, айниқса, ички ишлар ходимлари жанговар тайёргарлигининг асоси бўлган қўл жанги баҳсларида ғолиб чиққанлар дипломлар, раҳбариятнинг қимматбаҳо совринларини қўлга киритдилар.

Аёллар ўртасида шашка ва стол тенниси бўйича ўтказилган баҳсларда Шарқия Жуманиёзова ҳамда Замира Ўдаева ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Вилоят ИИБ ташкилий инспекторлик бўлими бошлиғи, милиция полковниги Ильмир Ҳамидуллинга "Спортда кўп йиллик иштироки учун" совринни топширилди.

**М. АБДУЛЛАЕВ.**

Қилмиш — қидирмиш

# БОР ТОВОҒИМ, КЕЛ ТОВОҒИМ...

**Латифнинг нос хумори тутди. Доим шу. Қаттиқ ҳаяжонланса, қувонса, хафа бўлса, асабийлашса, баъзан узоқ ўйласа ҳам чеккиси келади. Носвой яхши нарса-да. Тилингнинг тагига ташлаб, бирпас кўзингни юмиб турсанг, дилинг равшан тортади, миянгга бири-биридан зўр фикрлар келади. Етмиш икки томиринг яйрайди. Бу гаплардан сиз ҳам носкашга айланиб қолманг. Латифга шундай туюлади, холос.**

Хуллас, у қолган молини қаерда, кимга қимматроқ пулласам деб берилиб бош қотираётганида носнинг хумори тутди. Бунақа пайт кўзга ҳеч нарса кўринмайди. Шартта машинасига ўтириб носфурушникига йўл олди. Аксига олиб олдидан милиционерлар чиқиб, тўхташга ишора қилишди. "Ўзи шундоқ ҳам миям ғовлаб турувди" ғижинди у ичида.

Ҳужжатларини олиб милиция ходимларининг олдига борди.

— Биздан бирор қоидабузарлик ўтган бўлса, узр, — деди у қўлини кўксига қўйиб.

— Йўл ҳаракати қоидасини-ку бузмадингиз-а, лекин қонунбузарлик билан шуғулланасиз деган гумонимиз бор, — мақсадга ўтиб қўя қолди милиция ходимларидан бири Карим Султонов. — Кўриб турганингиз ёнимиздаги фуқаролар холислар. Биз эса Бухоро вилояти ИИБ жиноят-қидирув хизматиданмиз. Мана ҳужжатларимиз. Сизни гиёҳвандлик моддаси савдоси билан шуғулланасиз деган хабар тушган. Ҳозир ёнингизни, машинангизни текшириб кўрсак.

Латиф "Туҳмат, ҳаққингиз йўқ, бўлмаган гап" деб қўрқоқ олдин мушт кўтарар қабилида иш тутишни ҳам ўйлади. Аммо ортиқча одам тўпланиб, тинтув пайти баттар шарманда бўлишдан чўчиди.

— Чўнтакларингиздаги ҳамма нарсани машинангизнинг капотига қўйинг, — деди хушмуомалалик билан иккинчи милиционер.

Латиф костюмининг чўнтагидан даструмоли, уйининг калити, шиминнинг чўнтагидан эса пул билан гугуртни олиб капот устига қўйди.

— Чекасизми? — гугуртга ишора қилди тезкор ходим.

— Носвой тугаб қолганда.

— Сигарет йўқ-ку!

— Ҳозир носвойга кетаётган эдим.

— Ия, бунинг доналари бошқача экан, — тезкор ходим киноя қилиб, гугурт қутиси ичидан зарқоғозга ўралган нарсаларни олиб санаб кўрди. — Ўнта экан. Бунақа антиқа гугуртдан яна борми?

Латиф индамади.

— Унақада машинангизни ҳам қараб кўрамиз.

Тезкор ходимларнинг шубҳаланганича бор экан. Машина ғаладонидан ҳам бир дона "антиқа" гугурт топилди. Унинг ичидан ўн иккита зар қоғозга ўралган нарса чиқди.

— Балки буларнинг нималигини айтарсиз? Ёки билмайсизми? — сўради ходимлардан бири.

Шу топда Латифнинг миясига тузукроқ бир фикр келмади, нос хумори эса кучайганда-кучаярди.

— Героин, — деди у шартта.

— Қаердан, қанчага олгансиз?

— Қоракўл шаҳрилик Аббосдан ҳар ўрамини 4000 сўмдан саксон саккиз мингга олувдим.

Ходимлар эҳтиёт чораси сифатида Латифни ҳибсга олишгач, вақтни ўтказмай Қоракўлга йўл олишди.

Аббосбек кутилмаган меҳмонларнинг ташрифидан довдираб қолди. Улар ҳужжатларини, тинтув қилиш учун рухсатномаларини кўрсатишгач, нилож бош эгди. Холислар иштирокида текшириш чоғида телевизор остида турган тикув машинаси қутисининг бир бурчагидан ҳали сотишга улгурмаган тўрт "гугурт қутиси" топилди.

— Буларни бухоролик Латифдан сотиб олган эдим, — деди у ходимларнинг саволига жавобан.

— Бу ёғи қизиқ бўлдику. У сиздан сотиб олдим деса, сиз ундан сотиб олдим десангиз. "Бор товоғим, кел товоғим" экан-да, — кулишди ходимлар.

Носвойнинг хумори босилиб, ўзига келган Латиф кейинги тергов пайти илгариги кўрсатмаларидан қайтди. Бу "ғалати" гугуртларнинг қаердан келганлигини билмаслигини айтди. Шериги Аббосбек ҳам тикиш машинаси ғаладонидан топилган героин қаердан пайдо бўлганига ҳайрон эди. Аммо бунақа чўпчакка ким ҳам ишонарди дейсиз. Гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертиза хулосаси асосида оғуфурушларнинг айблари ўз исботини топди.

**Б. ҲАМРОЕВ,**
*милиция капитани.*

## РЕСПУБЛИКА ИИВ ҲУЗУРИДАГИ ҚЎРИҚЛАШ БИРЛАШМАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Узун туманида яшовчи, иш жойининг тайини бўлмаган Х. Ч. рўзғор юритишнинг антиқа йўлини топдим, деб ўйлади. У фуқаро М. А.нинг бир бош отини тунда "туя кўрдингми, йўқ" қабилида иш тутиб, ўғирлаб кетаётганида қилмиши фош бўлди. Тунда хизмат олиб бораётган туман қўриқлаш бўлинмаси ходимлари милиция лейтенанти Ж. Авазов ва милиция катта сержанти А. Ориповлар ўғрини қўлга олишди.

***

Ғаллаорол тумани ИИБга "Шўрканал" ариғи ёқасидан 30 ёшлардаги, Осиё миллатига мансуб бўлган аёлнинг тан жароҳати етказилган ҳолдаги жасади топилгани ҳақида ташвишли хабар тушди. Мазкур иш юзасидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида унинг шахси аниқланди. Б. Й. исмли йигит рашк оқибатида аёлни уриб тан жароҳати етказгани, воқеа жойига ташлаб кетиши натижасида кўп қон йўқотиб вафот этганлиги ошкор бўлди.

Ушбу жиноятни очишда туман қўриқлаш бўлими катта инспектори, милиция лейтенанти Ж. Авазов ва бўлинма сардори, милиция катта сержанти А. Ориповлар фаол иштирок этишди.

***

Ангрен шаҳрида яшовчи, илгари судланган ва ҳозирда ҳеч қаерда ишламайдиган К. К. озиқ-овқат дўконларидан бирининг ойнасини синдириб, темир панжарани кесиш орқали ичкарига кирди ва 210 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўмаришга уринди. Аммо бунинг оқибати хунук тугади. Қўриқдаги объектларни кўздан кечираётган марказлаштирилган қўриқлаш пульти қўлга олиш гуруҳи милиционерлари А. Холбоев, А. Пўлатхонов, Г. Нодиров, А. Матқўзиевлар чақирилмаган "меҳмон"ни ўғирлик устида ушлашди.

***

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани ИИБга номаълум шахслар омборхона деворини бузиб кириб, 867 минг сўмлик 5 дона юк автомашинаси баллонлари ва бошқа моддий-товар бойликларни ўғирлаб кетишгани ҳақида ташвишли хабар тушди. Воқеа юзасидан жиноят-қидирув ходимлари ва қўриқлаш бўлинмаси милиционерлари И. Абдувалиев, У. Қурбоновлар олиб борган чора-тадбирлар ўз самарасини берди. Ўғирликни ҳеч қаерда ишламайдиган У. Б. содир этганлиги аниқланиб, ушланди.

**Р. ТУРҒУНОВ,**
*милиция майори.*

Суд залидан

# ҚОТИЛ ОТА

**Ё, алҳазар! Наҳотки, ота ўз пушти камаридан бўлган ўғлини ўлдирса? Ўтган йили Жарқўрғон туманида мудҳиш қотиллик рўй берди. Ўз падари бузруквори санчган пичоқ зарбидан жароҳат олган Қурбонали Раззоқов зудлик билан касалхонага ётқизилди. Аммо энди кеч бўлган эди. Эртаси куни унинг тобути ортидан 6 нафар фарзанди зор-зор йиғлаб қолди.**

...Сурхон заминида куз бўлишига қарамай, тунлари ҳам ҳаво ҳарорати анча баланд. Боботоғ ортидан яна бир фараҳбаш тонг отиб келарди. Қурбонали ўша тун негадир ухлай олмади. Рўзғор ташвиши билан Тошкент шаҳрига тижорат сафарига боришга тайёрлана бошлади. Негадир юраги ғаш эди. Дастурхон атрофида нонушта қилаётган гўдаклари юзига бирмабир тикилиб, унсизгина хайрлашди. Қурбоналини ҳали олдинда қандай синоатлар кутаётганини ҳеч ким билмасди.

Бир неча йиллардирки, ота ва тўнғич ўғил ўртасида жанжал чиқиб турарди. Етмиш ёшни қоралаган Шариф ота учинчи маротаба уйлангани жанжалга сабаб бўлган эди. Охирги никоҳдан ўтган аёлига қарши чиққан ўғлидан жиғибийрон бўлган ота уни йўқотиш пайига тушди. Сафарга отланган Қурбоналини тумандаги "Алпомиш" ошхонаси олдида учратган отаси ундан пул сўради. Ўғилнинг рад жавоби эса орқадан қўққисдан урилган пичоқ билан сийланди. Қипқизил қонига бўялган ўғил оҳ урганча йиқилди. Ота эса пайтдан фойдаланиб пул тўла сумкани олди-да, таксига ўтириб жуфтакни ростлаб қолди. Шифохонага оғир аҳволда келтирилган Қурбоналига муолажалар фойда бермади.

Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли қотил ота далилий ашёлар: миллий пичоқ, 424 минг сўм пул солинган сумка билан қўлга олинди. Ўз ўғлини ўлдирган қария суд ҳукми билан ўн беш йилга озодликдан маҳрум этилди.

Азиз замондош! Ўз пушти камаридан бўлган ўғлини ўлдириб, қўли қонга ботган оталар ҳақида сиз эртакларда ўқигансиз, холос! Ўшанда ҳам вужудингизни титроқ босган бўлса ажабмас. Ёки юрагингизда кучли нафрат уйғонган бўлиши мумкин. Биз баён қилган, суд залидан ёзилган воқеа ҳам ҳар қандай қалбни узоқ вақт ларзага солади, деб ўйлаймиз.

Тайинланган жазонику отахон бир кун ўтаб қайтар, лекин ўшанда ҳамқишлоқлари юзига қандай қарайди? Қурбоналининг бедор руҳи унга тинчлик берармикан?

**Х. ҚУЛЛИЕВ.**
**М. РАҲИМОВА.**

# ЎЗИ "ТЎР"ГА ТУШДИ

Фориш тумани ҳудудида жойлашган, "Ҳайдаркўлбалиқ" масъулияти чекланган жамиятнинг собиқ раиси С. Б. аллақачон лавозимидан бўшаб кетган бўлса-да, хумори босилмади.

Дастлаб 5-балиқ овлаш бригадаси бошлиғи Ғ. Умаровга тегишли 2 та қайиқ ва 40 та тўр, яъни 1 миллион сўмлик-дан ошиқ мулкни очиқдан-очиқ талончилик билан олиб кетди. Бундан ташқари 2-балиқ овлаш бригадаси бошлиғи Б. Оганесянга тегишли нархи 3 миллион 150 минг сўмни ташкил қилган 2 та қайиқ, 120 та тўр ҳамда "Вихр" русумли мотор ўзиники қилиб олди.

Жабрланувчилар вилоят ИИБга ариза билан мурожаат қилишгач, кўлни "лойқалатиб" тутқич бермай юрган "балиқ"ни тутишга киришилди. Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш хизмати ходимлари талончи С. Б.ни қўлга олишди.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ.**

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



**Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар ИИБ томонидан Оҳангарон шаҳар "Саховат" қариялар уйида яшовчи, пенсионер 1928 йилда туғилган Борис Петрович МУРАШКИН қидирилмоқда.** У 1998 йил 1 июль куни эрталаб қариялар уйидан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160 см, озғиндан келган, лаби ингичка, кўзи жигарранг, ияги тўғри, қоши сийрак, қулоғи катта.

**Кийимлари:** эгнида жигарранг костюм, қора шим, бошида кулранг телпак, оёғида қора туфли бўлган.

**Алоҳида белгилари:** дудуқланиб гапиради, букилиброқ юради.



**Андижон шаҳар ИИБ томонидан 1964 йилда туғилган Шавкатбек Азаматович ЮНУСОВ қидирилмоқда.** Андижон шаҳар Муҳиддинов 6-тор кўчаси 24-уйда яшаган. 2002 йил 23 апрель куни "Tico" русумли 15 D 2473 давлат рақамли автомашинада чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, ўртача гавдали, оқ-сариқдан келган, юзи чўзиқроқ, сочи қорамтир, қоши қалин, ёйсимон, кўзи оч жигарранг, лаби ингичка.

**Алоҳида белгилари:** тиззасининг пастки қисмида 2 см катталикда чандиқ, қулоғининг орқасида 1 см катталикда юмалоқ шиш бор.

**Кийимлари:** эгнида кулранг костюм-шим, енги узун кўйлак, оқ майка, оёғида қора туфли бўлган.



**Мингбулоқ тумани ИИБ томонидан 1969 йилда туғилган Акром Абдувоҳидович ДАДАЖОНОВ қидирилмоқда.** Мингбулоқ тумани Терак қишлоғида яшаган. 2002 йил 8 январь куни уйидан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 170 см, озғиндан келган, кўзи, сочи, қоши қора, қулоғи катта.

**Алоҳида белгилари:** қорнининг пасти ўнг томонида жарроҳликдан қолган чандиқ, чап қўли бош бармоғида 5 та нуқта акс этган татуировка бор.

**Кийимлари:** эгнида қора камзул, қора футболка, оқ йўлли трико, қора шим, оёғида қора этик бўлган.

**Юқорида номлари қайд этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

Ё, алҳазар!

# ЎЗ УЙИДА БЕГОНА ОНА



...Бу оила ҳам бошқаларга ўхшаб, ўзига тинч, эр-хотин ишлаб топганини С.нинг онаси – саранжом-саришта бувижон тежаб-тергаб ишлатар, айниқса ёлғиз набираси А.ни папалаб, яхши кийдириб, едирарди. Вақти-соати етиб, бувижон оламдан ўтди. Ота эса оиласини ўз ҳолига ташлаб, хорижга кетди. Бирданига икки азиз кишисидан айрилиш онанинг руҳиятига қаттиқ таъсир қилдими у хасталаниб, руҳий-асаб касалликлари шифохонасига тушиб қолди.

Онаси касалхонада ётган кунлари уйда ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб яшаган А. у уйга қайтгач, анча "қисиниб" қолди. Чунки табиатан покиза бўлган С. ўғли бебошлик қилиб, ичкилик, маишатга берила бошлагани, ўзи йўғида уйга турли тоифадаги эркак-аёллар келиб-кетиб юрганини билгач, бунга қатъий қаршилик кўрсата бошлади. Шу боис А. учун она ортиқча "матоҳ"га айланди. У онасини тез-тез урадиган, "Тез ёрдам"да, касалхонага жўнатиб, уйда кўнглидагидек яшайдиган одат чиқарди.

Ўшанда келган шифокорлар она билан савол-жавоб қилиб, унинг соғломлиги, ўғлининг тазйиқлари туфайли шу аҳволга тушиб қолганини англадилар.

Оиладаги муҳитни яхшилаш, ўғилнинг онага нисбатан муносабатини ўзгартириш мақсадида маҳалла оқсоқоли, профилактика инспектори ва қўшнилар она-бола билан бир неча марта суҳбат ўтказишди. А.ни огоҳлантиришди. Шундан сўнг кўчада машина ювиб, кун кўрувчи ўғил

**... Шошилинч чақириқ билан етиб келган "Тез ёрдам" бригадаси "тўполон қилиб, қутуриб, ҳаммани безовта қилаётган руҳий касал" – бир четда кўзлари мўлтираб, қўрқувдан титраб ўтирган, озғин бадани, юз-кўзидаги моматалоқ излар яққол кўриниб турган нимжон аёлни кўриб, ҳайратда қолишди. Чунки аёлнинг ташқи кўринишиёқ унинг ҳимоясиз, ожиз эканлигини билдириб турарди.**

**Шифокорлар аёл билан савол-жавоб қилишгач, ички ишлар бўлимига қўнғироқ қилишди. Етиб келган ходимлар хонани кўздан кечириб, таёқ топишди. Онанинг гаплари тасдиқланди: унинг ўн тўққиз ёшли ўғли худди шу таёқ билан дуч келган жойига уриб, кўкартирганди. Устига устак "Тез ёрдам" чақириб, руҳий касалликлар шифохонасига юбормоқчи бўлган эди. Бу ҳол биринчи марта юз бераётгани йўқ.**

инсофга келгандек бўлди. Афсус, "одам оласи ичида" деб бекорга айтилмаган экан.

"С.ни бир гал бадани кўкарган ҳолда кўрдим. Сабабини сўрасам, "ўғлим урди" деди. Яна бир гал кўришганимизда бўйни шилиниб, кўкарган эди. Ўғли бўғмоқчи бўлган экан. У доим оч қолар, қўшнилардан овқат сўраб ерди...

Қайси куни соат тахминан 22.00 ларда пастки қаватдан, яъни С.нинг уйидан шовқин-сурон эшитилди. А. онасини ураётган эди. У йўлакда, залда қаттиқ қичқириб, йиқилиб ўғлидан қочаётгани, ўғли эса ортидан қувлаб, уриб-тепаётгани эшитилиб турарди. Соат 24.00 ларда қичқириқ ва шовқин тўхтади" (Юқори қаватда яшовчи қўшнининг кўрсатмасидан).

Бошқа қўшнилар ҳам худди шунга ўхшаш кўрсатмалар беришди. Кучли мусиқа оҳангларини босиб эшитилаётган тепки, калтак овозларию, она фарёдини эшитганлар ҳам бор. Улар чиқиб, А.дан нима гаплигини сўрашган. Аммо у тайинли жавоб бермаган. Ўша куни бир неча қўшни бу хонадонда нимадир бўлаётганини сезган. Афсуски, бирортаси қўнғироқ қилмаган. А. онасига нисбатан шафқатсизлиги, она доим оч, бадани кўкариб юриши, бу ишларнинг оқибати хунук тугаши мумкинлигини билишган. Лекин фақат "уришма, жим юр"дан нарига ўтишмаган. Оқпадар ўғил эса ўз ҳузур-ҳаловатини онадан устун қўйган. Уйидаги маишатларга халақит бераётган волидасидан қандай қилиб бўлмасин қутулиш пайига тушган.

А.нинг шишадошлари йиғилишмоқчи эди. Кўнгилдагидек ўйнаб-кулиш учун холи жой керак. А.нинг онаси эса уйда, уни илгаригидек касалхонага жўнатиш учун баҳона йўқ. Чунки шифокорлар онаси касалхонага ётқизиладиган даражада хаста эмаслигини айтишган.

Кайф-сафо қилолмай, аламидан қутуриб кетган А. мусиқани баланд қилиб қўйиб, онасини калтаклай бошлади. Калтак овози, она фарёди кўп қаватли уйдагиларнинг деярли ҳаммасига эшитилди.

Лекин бу зўрлик, хўрликни тўхтатиш, фожианинг олдини олишга ҳеч ким астойдил ҳаракат қилмади: кимдир "менга нима?" деса бошқа биров "одатдаги жанжал", деди .Хуллас жони соч толасига илиниб турган онанинг фарёди ҳеч кимнинг қалбини юмшатмади. Икки соатлар давом этган калтаклашдан кейин энди 41 ёшга кирган аёл не-не орзу-умидлар билан вояга етказган ўғлининг жабру ситамлари туфайли бу дунёдан кўз юмди. Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра С. боши, кўкраги, қорнига тўмтоқ жисм билан уриб, жароҳат олиш натижасида қовурғаларининг синиши, ички аъзоларининг ёрилиши ва кўп қон кетиши оқибатида ҳалок бўлди. Қотил эса унинг жондан азиз фарзанди эди.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



**Наманган шаҳар ИИБ томонидан 1985 йилда туғилган Аъзамжон Жабборович ҒАЙБУЛЛАЕВ қидирилмоқда.** Наманган шаҳар Уйчи кўчаси 169"а" – уйда яшаган. 2001 йил 17 апрелда уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160 см, кўзи, сочи, қоши қора, ўртача гавдали.

**Алоҳида белгиси:** пешонасида чандиқ бор.

**Кийимлари:** эгнида қора костюм-шим, ёзги кўйлак, оқ майка, оёғида қора пайпоқ, калиш бўлган.

**Учқўрғон тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.**



**Гилфан Гилманович МИНКИН.** 1951 йилда туғилган. Учқўрғон тумани Каттамоғол қишлоғи "Андижон" кўчаси 21-уйда яшаган. 1997 йил 18 ноябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, озғиндан келган, қоши ёйсимон, сочи оқарган.

**Алоҳида белгиси:** қорнида кўричак жарроҳлигидан қолган чандиқ бор.

**Кийимлари:** эгнида қора камзул, кулранг шим, кулранг свитер, оқ кўйлак, оёғида қора этик бўлган.



**Муҳайё Ибрагимовна НАЖМИДДИНОВА.** 1979 йилда туғилган. Учқўрғон тумани Кўгай қишлоқ фуқаролар йиғини Пахтачи маҳалласида яшаган. 2001 йил 6 январь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, оқ-сариқдан келган, қоши ёйсимон, сочи калта.

**Алоҳида белгилари:** бўйининг ўнг томонида ярадан, қорнида эса кўричак жарроҳлигидан қолган чандиқ бор.

**Кийимлари:** эгнида жигарранг чарм камзул, оқ кофта-юбка, бошида оқ жун рўмол, оёғида қора этик бўлган.

**Юқорида номлари қайд этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

Кўза кунида...

**"Суюнчи" фильмини кўпчилик томоша қилган бўлса керак. Ўша фильмдаги Анзират хола дарвозасини қулфлаб юрадиган дўхтирга танбеҳ бериб:**

**– Қишлоғимизнинг ўз ўғриси бор. У ўзиям бу ерликларнинг омонатига кўз олайтирмайди, бошқа ўғриларниям қишлоғимизга яқинлаштирмайди. Дарвозангга отнинг калласидай қулф солинганини кўрса: "Ҳамқишлоқларим менга ишонишмаскан-да", деб кўнгли ранжимайдими? – дейди.**

# КЎРНАМАК

Фильм ишланганидан буён ҳам анча сувлар оқиб кетди. Қанча ўзгаришлар, янгиланишлар бўлди. Жумладан, одамларнинг онги-шуурида ҳам. Бу ўзгаришларнинг яхшилари кўп, албатта. Аммо баъзилар эркинликни ўзларича тушуниб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъанаю удумларидан ҳам кечишяптими дейман-да.

Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида Гаждумак қишлоғи бор. Шу қишлоқнинг... ўз ўғриси бор эди. С. Абдусамад қилган ўғирликлари учун 1999 йил октябрида ва 2001 йил октябрида судланганди. Аммо тўғри хулоса чиқармади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Элимизда "Ўғри бўл – инсофли бўл!" деган мақол бор. Ўғрининг ҳам инсофлиси бўладими, дерсиз. Халқ билмасдан гапирмайди, демак бўлади. Ҳатто бу ҳақда ривоят ҳам бор.

Бир ўғри томни тешиб подшоҳнинг хазинасига ўғриликка тушибди. Аммо ҳеч нарса олмай, хазинадан чиқиб кетибди. Эртасига бундан хабар топган хазинабон подшоҳни ҳам ушбу жумбоқдан бохабар қилибди. Ҳукмдор бутун мамлакатга жар солдириб, хазинага тушиб, ҳеч нарса олмай кетган ўғри жазоланмаслигини, фақат ўз қилмишининг сабабини тушунтириб бериши лозимлигини эълон қилдирибди.

Ҳалиги киши саройга кириб келиб, ҳукмдорга таъзим бажо айлаб:

– Эй подшоҳи олам, ўша ўғри мен бўламан. Хазинангда қимматбаҳо лаъл у гавҳарлардан хуржунимга жойлаб юргандим. Бир пайт қопга солинган оқ нарсага кўзим тушди. Пайпаслаб нималигини билолмадим. Ялаб кўрсам, туз экан. Тузингни тотиб, тузлуғингга тупурсам ярашмас, инсофдан бўлмас, деб ҳамма олганларимни жой-жойига қўйиб қуруқ қўл билан чиқиб кетдим, – дебди.

Унинг инсофлилигига тан берган подшоҳ ўғрига шоҳона инъомлар ҳадя этибди.

Гапнинг индаллосига келсак, Гаждумак қишлоғилик ўғри нон-туз ҳурмати деган тушунчалардан кейин туғилган экан. У учинчи марта ўз ҳамқишлоқларининг мол-мулкига кўз олайтирди. Ваҳоланки, улардан бирининг тўйида ошини егандир, бошқасининг маъракасида чойини ичгандир. Шунчаки, меҳмондорчилигида қатнашиб, тансиқ таомлардан тановул қилгандир.

Шу йил 16 февралга ўтар кечаси у ҳамқишлоғи Дилрабо Жўраеванинг уйидан турли-туман матолар, аёллар туфлиси, жемпери, "Панасоник" радиотелефони – хуллас, ярим миллион сўмликдан зиёдроқ нарса ўғирлади.

Орадан бор-йўғи уч кун ўтиб тунда шу қишлоқлик Нормурод Ибодовнинг уйига девор ошиб кирди. Бу хонадондан қимматли газламалару кийим-кечаклардан ташқари, тақинчоқлар, қўл соатлари, нақд пулларни ҳам ўмарди. Бу галги ўлжа миллион сўмликдан ошиқ эди. Унинг дастидан ҳатто оддий қоплама тишлару 8 дона "Шоҳруд" арағи ҳам қолмади.

Нонкўр, туз ҳақидан қўрқмаган инсофсиз ўғрига бу ҳам кам кўринди. У орадан тўрт кун ўтиб яна шу хонадонга ўғирликка тушди. Бу сафар қўрадан бир бош қўзисини олиб кетди.

Нари-бериси билан бир ҳафта ичида бир ярим миллион сўмликдан зиёд бойликни қўлга киритгани шарафига кабобхўрлик қилмоқчи бўлган чоғи қўлга тушди. Туз ҳақи кўзни кўр қилади, дейишади. "Қаҳрамонимиз"нинг кўзи-ку кўр бўлмади, аммо юзи шувут бўлгани аниқ. Бунинг устига анча йилга озодликдан маҳрум этилди. Нафақат ҳамқишлоқлари, балки охирги марта судланганида унга нисбатан инсонпарварлик кўрсатган қонун ҳимоячиларига нисбатан ҳам инсофсизлик қилган бу кимса бундан енгил жазога лойиқ эмас-да.

**Н. БЎСТОНОВ,**
*милиция капитани.*

# ФУТБОЛ ОЛАМИДА КАТТА БАЙРАМ

**Бугун футбол ишқибозларининг нигоҳи Япония ва Жанубий Корея ўйингоҳларига қаратилган. Зеро, Осиё қитъасида илк бор футбол бўйича Жаҳон чемпионати баҳслари ўтказилмоқда. Ушбу чемпионатга даҳлдор воқеалар кўпчиликни қизиқтирса керак, деб ўйлаймиз.**

## ЗИДАН ДАСТЛАБКИ ЎЙИНДА ИШТИРОК ЭТОЛМАЙДИ

Мадриднинг "Реал" ва Франция терма жамоаси ярим ҳимоячиси Зинедин Зидан Жаҳон чемпионати олдидан Франция ва Жанубий Корея ўртасида ўтказилган учрашувда жароҳат олганидан хабарингиз бўлса керак. Жамоа шифокори Жан-Марсель Ферреннинг таъкидлашича, машҳур футболчи чемпионатнинг очилиш маросими ва 31 май куни Сенегал терма жамоаси билан бўлиб ўтадиган баҳсда иштирок этолмайди. Агар унинг соғлиғи тикланмаса чемпионат финал қисми гуруҳларга бўлиб ўйналадиган босқичини ҳам ўтказиб юбориши мумкин.

## ИЧМАСЛИК ҚОНУНИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Япониядаги майхоналарнинг эгалари Жаҳон чемпионати ўтказиладиган даврда спиртли ичимликлар сотишни чеклашга бажонидил рози бўлишди. Бу эса мамлакатда вақтинча ичмаслик қонуни жорий этилганини билдиради. Безори футбол ишқибозларидан эҳтиёт бўлишда бундай тартиб жуда қўл келади.

## ЕТТИ ЖОМАДОН ПИШЛОҚ

Туркиялик футболчиларнинг Жанубий Кореяга ташрифи сабр-тоқат синовига айланди. Жаҳон чемпионатига йўл олган делегация аъзолари "Ульсан" аэропортидаги божхона кўриги чоғида беш соат ушланиб қолишга мажбур бўлишди.

Турклар ўзлари билан 500 кило озиқ-овқатлар, шу жумладан етти жомадонда 170 кило пишлоқ олиб келишаётгани ушбу муаммони келтириб чиқарди. Мамлакатга импортли озиқ-овқатлар олиб ўтиш бўйича кескин қоидалар ўрнатилганлиги сабабли жамоа ошпази пишлоқ пастеризация қилинган сутдан тайёрланганлигини ҳужжатлар асосида исботлаб беришига тўғри келди.

## МАРАДОНА ТАНГ АҲВОЛДА

Машҳур футболчи Диего Марадонанинг анчадан бери Японияга боришга уриниши муваффақиятсиз тугамоқда. Гап шундаки, кунчиқар мамлакати қонунларига кўра гиёҳвандлик моддаларини сақлаган, олиб ўтган ёки истеъмол қилган шахсларга ушбу давлатга кириш визаси берилмайди. Марадона эса 90-йилларнинг бошидаёқ кокаин қабул қилаётгани аниқланган ва бунинг оқибатида катта низо келиб чиққан эди.

## БРАЗИЛИЯЛИК ИШҚИБОЗЛАРГА ИМТИЁЗ

Мамлакат президентининг махсус декретига биноан футбол бўйича Жаҳон чемпионатида миллий терма жамоа иштирок этадиган ўйинлар бўладиган кунлар бразилиялик давлат хизматчиларига ишни одатдагидан кеч бошлашга рухсат берилди. Аҳолининг ярмидан кўпи телевидение орқали тўғридан-тўғри намойиш этиладиган ўйинларни томоша қилишга аҳд қилган бир пайтда вазиятдан чиқишнинг оқилона йўли шу эди. Зеро, Япония ва Жанубий Кореядаги вақт ўртасида анча фарқ борлиги туфайли Бразилияда ўйинлар телевидение орқали эрталаб соат 4.00 да кўрсатилади.

## "ФУТБОЛ" ПОЛИЦИЯСИ ИШГА КИРИШДИ

Японияда Жаҳон чемпионати даврида ўғирлик ва талончиликларнинг олдини олиш мақсадида тузилган полициячилар жамоаси дастлабки тартиббузарларни ҳибсга олди. Осойишталик посбонлари Токиода киссавурликда гумон қилинган уч кишини вақтинча сақлаб туриладиган камерага жўнатишди.




## ЧЕМПИОНАТ ЖАДВАЛИ

| | | |
|---|---|---|
| **31.05** | | |
| Франция – Сенегал | А гуруҳи | (Сеул, 16:30) |
| **1.06** | | |
| Ирландия – Камерун | Е гуруҳи | (Ниигата, 11:30) |
| Уругвай – Дания | А гуруҳи | (Ульсан, 14:00) |
| Германия – С. Арабистони | Е гуруҳи | (Саппоро, 16:30) |
| **2.06** | | |
| Аргентина – Нигерия | F гуруҳи | (Ибараки, 10:30) |
| Парагвай – ЖАР | В гуруҳи | (Пусан 12:30) |
| Англия – Швеция | F гуруҳи | (Саитама, 14:30) |
| Испания – Словения | В гуруҳи | (Кванчжу, 16:30) |
| **3.06** | | |
| Хорватия – Мексика | D гуруҳи | (Ниигата, 11:30) |
| Бразилия – Туркия | С гуруҳи | (Ульсан, 14:00) |
| Италия – Эквадор | D гуруҳи | (Саппоро, 16:30) |
| **4.06** | | |
| Хитой – Коста-Рика | С гуруҳи | (Кванчжу, 11:30) |
| Япония – Бельгия | Н гуруҳи | (Саитама, 14:00) |
| Ж. Корея – Польша | D гуруҳи | (Пусан, 16:30) |
| **5.06** | | |
| Россия – Тунис | Н гуруҳи | (Кобе, 11:30) |
| АҚШ – Португалия | D гуруҳи | (Сувон, 14:00) |
| Германия – Ирландия | Е гуруҳи | (Ибараки, 16:30) |
| **6.06** | | |
| Дания – Сенегал | А гуруҳи | (Тэгу, 11:30) |
| Камерун – С. Арабистони | Е гуруҳи | (Саитама, 14:00) |
| Франция – Уругвай | А гуруҳи | (Пусан, 16:30) |

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси раҳбарияти ва жамоаси жиноий жазони ижро этиш ҳуқуқи кафедраси бошлиғи, милиция полковниги И. Самандаровга онаси

**МАЛИКА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент тумани ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция майори Ш. Аъзамовга онаси

**ЛУТФИЯ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги республика Қўриқлаш бирлашмаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги И. Бобожоновга онаси

**МУКАРРАМХОН аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби 4-ҲЁХҚ ходими ички хизмат лейтенанти

**Жаҳонгир ЎРОҚОВнинг**

фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

**Найранг**

# ТОҒА-ЖИЯН ТОВЛАМАЧИЛАР

**Рихфат ёшлигидан ҳалол ишлаб пул топишга бўйни ёр бермасди. Товламачилик йўли билан одамларни қўрқитиб, алдаб пул ундиришни ёқтирарди. Қайси бир жойда ишламасин, "ноёб хислати"ни намоён этиб, кишиларни алдаб, чув тушириб кетгани учун ишдан бўшатилади. Ҳатто, ички ишлар хизматида ҳам беш-олти ой ишлади. Нопоклик қилгани учун ҳайдалган. Кейин яна бир-икки фирмага бош суқди. Эгриқўллик қилиб, шармандаси чиқди. Энди унга ҳеч ким ишонмай қўйди.**

Бир куни айланиб тоғасиникига келди. Тоғаси ҳам нопокликда жиянидан қолишмасди.

— Бирор жойга ишга кирай десам маош кутиб яшашни ёқтирмайман, — деди тоғаси Рихфатга.

— Нимасини айтасиз тоға, кўп уринмасангу, чўнтагинг пулга тўлаверса, — деди лабининг таноби қочиб Рихфат.

— Сен мелисада ишлагансан, йўлини топса бўлади, — деди Муштоқжон.

— Қандай қилиб?

— Пахта заводида аёллар ишлайди. Тунги сменадан қайтишаётганда йўлига чиқиб, чигит ўғирлаяпсизлар десанг, оёғингга йиқилишади. Энг муҳими, бизни у ерда ҳеч ким танимайди.

Бу таклиф Рихфатга жон бағишлади. Тоға-жиян Дўстобод шаҳридаги пахта заводида ишлайдиган аёлларнинг тунги сменадан қайтишини кутишди.

— Тўхтанглар, сумкаларни кўрсатинглар, — деди Муштоқ қатъий оҳангда.

— Вой, нега, кимсизлар? — дейишди аёллар каловланиб.

— Коррупцияданмиз, заводдан чигит ўғирлаб чиқар экансизлар, текширяпмиз, — деди Рихфат ёнидан бир ҳужжат чиқариб.

Аёллар икки эркакнинг важоҳатидан қўрқиб кетишди. Гарчи уларнинг сумкаларидан чигит чиқмаган бўлсада, "коррупция ходимлари" бўш келишмади.

— Кеча заводдан тўрт тонна чигит ўғирланган, сизлар сменада бўлгансизлар, шунинг учун ҳамманглар биз билан бирга юрасизлар, — деди Рихфат.

Улардан бири:

— Жон акалар, бизнинг хабаримиз йўқ, уйдагилар хавотирланишади, қўйиб юборинглар.

— Индамай қўйиб юборамизми, нима қилиб бу ерда турибмиз, — деди Муштоқ.

Аёллар унинг шамасини тушунишди. Ўша куни маош берилганди. Ҳар бири 2-3 минг сўмдан йиғиб тутқазишди.

Лекин аёллардан бири "коррупция ходимларидан" шубҳаланиб, эртасига эрталаб Қуйичирчиқ тумани милиция идорасига бориб, воқеани айтиб берди. Дарҳол тузилган тезкор гуруҳ тоға-жиян фаолиятига чек қўйди. Улар яна икки завод ишчисини қўрқитиб, пулини олишаётганда қўлга тушдилар.

**М. БЎРИБОЕВ,**
*милиция майори.*


**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi,1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir **Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir o'rinbosari v.b. **Murod TILLAYEV**

Mas'ul kotib **B. AZIMOV**
Navbatchi: **Ş. SHAMSIDDINOV**
Musahhihlar: **M. AKRAMOVA**, **G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi: **A. MIRZAMUHAMEDOV**

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69.
Mas'ul kotib 139-73-88.
muxbirlar bo'limi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

**E-mail: urmvd@globalnet.uz**

Bizning hisob raqamlarimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent viloyati Bosh boshqarmasi. hisob raqami: 21596000500447980001, MFO 00025.

ABN AMRO Bank MB O`zbekiston A.J. 20210000300447980002 MFO 00831, i/r 5033853 INN 200637499

*• Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart*
*• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.*
*• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma **Г — 446.**
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.
Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — **180**

Umumiy tiraji **44.018** nusxa.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.